

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАЎСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида  
УДК.: 331.6.7.323(584.4)

**РАҲМОНОВ АҚРОМ ХУСАНБАЕВИЧ**

**Ўзбекистонда аҳоли бандлигини оширишда тадбиркорликнинг ўрни  
ва уни ривожлантириш истиқболлари**

**5A230110 – Меҳнат иқтисодиёти**

**Магистр**

академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

**Илмий раҳбар:**  
и.ф.н. доц. Файзиева Ш.Р.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

### **К И Р И Ш**

**2**

#### **I боб. Меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг назарий жихатлари.**

**10**

1. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий–иқтисодий моҳияти **10**

2. Аҳолининг турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти **23**

**I боб бўйича хулоса** **31**

#### **II боб. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини оширишнинг хусусиятли жихатлари**

**32**

1. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари **32**

2. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини оширишда тадбиркорликни тутган ўрни. **41**

**II боб бўйича хулоса** **50**

#### **III боб. Республикамизда тадбиркорлик орқали меҳнат бозорини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари**

**51**

1. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишлари **51**

2. Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устивор вазифалар ва уни ҳал қилиш йўллари **61**

**III боб бўйича хулоса** **75**

**ҲУЛОСА** **76**

**АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Мамлакатимизда барпо этилаётган ва бозор иқтисодий тамойилларига таянувчи янги жамиятнинг бош мақсади-инсон учун муносиб турмуш шароитларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт кечириш даражасига эришишдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун" деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Бизнинг иқтисодиёт, сиёсат, давлат-ҳуқуқ ва суд соҳасида амалга ошираётган барча ўзгариш ва ислохотларимиз пировард натижада ягона мақсадга-халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратиш, одамларнинг даромади ва фаровонлигини изчил ошириб бориш, ҳар бир инсонга ўзининг интеллектуал, касб ва маънавий салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур имкониятлар яратиб беришга қаратилиши даркор"<sup>1</sup>

Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва юксак тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишнинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Бу масаланинг долзарблиги шундаки, меҳнатга лаёқатли ёшдаги фуқаролар бутун аҳолининг салмоқли қисмини ташкил этмокда, уларнинг сони йилдан-йил кўпайиб бормокда. Жаҳон тажрибасида бу каби масалаларнинг ечими ва аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш имконияти кўп жиҳатдан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга боғлиқ.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодий тараққиётда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Т. Ўзбекистон, 2007- 46 б.

олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан тامينлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори ҳисобланган мулкдорлар синфининг, шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. ”Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди. Айти пайтда иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келади.<sup>1</sup>

Ҳозирги мураккаб ўтиш даврида олдимизда турган долзарб вазифалардан бири-аҳолининг иш билан бандлик кўрсаткичларини яна ҳам оширишдан иборатдир, мамлакатимизда вужудга келган демографик ва ижтимоий вазият, энг аввало аҳоли сонининг ҳамда ишга жойлашишга муҳтож бўлган фуқаролар сонининг мунтазам кўпайиб бораётгани, ишга яроқли аҳолининг қишлоқ ва шаҳарда, мамлакат регионларида номутаносиб тақсимланганлиги, аҳоли таркибида ёшлар ҳиссасининг салмоқли эканлиги ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллар бу вазифанинг долзарблигини белгилайди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ. Халқ сўзи.

Юқорида келтирилган муаммолар кишилиқ жамияти ривожланишининг барча босқичларида мунтазам долзарблиқ касб этган ва уларни ҳал этиш иқтисодчи олимларнинг диққат эътиборида бўлиб келган.

Тадқиқот **объекти** - аҳолининг бандлиги ва уни ошириш билан боғлиқ муаммолар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг **предмети** бўлиб, тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш йўналишлари хизат қилади.

**Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари.** Ушбу тадқиқот ишининг мақсади иқтисодиётни модернизациялаш шароитида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда тадбиркорликнинг ўрнини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Белгиланган мақсадга эришиш қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- Аҳолининг иш билан бандлиги таъминлаш ва унинг ижтимоий–иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- Аҳолининг иш билан бандлиги турлари ва шакллари кўрсатиб бериш;
- Аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишда тадбиркорликнинг ўрнини кўрсатиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятларини очиб бериш;
- Ўзбекистон Республикасида давлатнинг аҳоли бандлигини ошириш соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устивор вазифалар ва уларни ҳал қилиш юзасидан амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари:** Ушбу диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялар иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда аҳоли бандлигини оширишда тадбиркорликни тутган ўрнини кўрсатиб беришда, Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устивор вазифалар ва уни ҳал қилиш йўллари, аҳолининг турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишда тадбиркорликнинг аҳамиятини белгилашда хизмат қилиши мумкин.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси:** Меҳнат бозори, меҳнатда бандлик масалаларини хорижий иқтисодчилардан Ж.Кейнс, А.Маршалл, К.Макконелл, А.Оукен, П.Самуэльсон<sup>1</sup> ва бошқалар мукамал тадқиқ этишга ҳаракат қилишган. МДҲ мамлакатларида ишчи кучининг ўзига хос хусусиятлари, аҳолининг иш билан бандлиги масалалари Н.А.Горелов, Е.И.Золин, А.С.Панкратов, Э.Р.Саруханов, Д.Н.Карпухин, А.Э.Котляр, Е.И.Чернова<sup>2</sup> каби иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан чуқур ўрганилган ва таҳлил этилган. Ўзбекистонда иқтисодийни модернизация қилиш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли бандлигининг муҳим жиҳатлари А.А.Абдуғаниев, Қ.Х.Абдурахмонов, Х.П.Абулқосимов, А.В.Ваҳобов, Ю.В.Вороновский, В.М.Габзалилова, Р.Я.Досумов, Л.Г.Максакова, Ф.У.Мамарасулов, М.М.Мирзакаримова, Д.А.Ортиқова, Д.Н.Раҳимова, З.А.Толаметова, Б.Э.Тоғаев, Р.А.Убайдуллаева, П.З.Ҳошимов, А.А.Қаюмов, М.И.Юлдашев, Ш.Ш.Шодмонов, Р.Ҳ.Шодиев<sup>3</sup> каби олимларимиз томонидан

---

<sup>1</sup> Кейнс Д.М. Общая теория занятости, процента и денег. Пер. с англ. – М.:Иностранная литература, 1948, с.332; Макконелл К., Брю Л. Экономикс: Принципы, проблемы и политика. – М.: Республика, 1992, с.99; Маршалл А. Принципы политической экономии. – М. Прогресс. 1984, с.107; Оукен А. Основные принципы экономической политики. – М.: 1997, с.178

<sup>2</sup> Золин И.Е. Современные взгляды на рынок труда и механизм его функционирования. Ученые записки. – Н.Новгород: ВВАГС, 2001; Панкратов А.С. Трудовой потенциал в системе управления производством. – М.: Изд-во МГУ, 1983; Карпухин Д.Н. Рынок труда и занятость в «современной» экономике. – М.: Экономика, 1998; Чернова Е.И. Эффективность занятого населения. – М.: Политиздат, 1994.

<sup>3</sup> Абдурахмонов Қ. “Меҳнат иқтисодиёти” (назария ва амалиёт). Дарслик. – Т.: Меҳнат, 2004; Абдуғаниев А.А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. – Т.: Меҳнат, 1999; Абдуғаниев

тадқиқ қилинган. Юқорида қайд этилган тадқиқот ишларида ишчи кучининг, меҳнат салоҳиятининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни, бозор иқтисодиётининг шаклланишидаги сифат ўзгаришларни амалга ошириш, ялпи ишчи кучи, унинг таркиби, меҳнат бозоридаги вужудга келган муаммолар ўрганилган ва таҳлил қилинган. Мазкур илмий изланишлар Ўзбекистонда бозор муносабатлари шаклланишининг дастлабки даврларига тааллуқли бўлиб, меҳнат бозорини тартибга солиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашда тadbиркорликни роли ва аҳамиятини чуқурроқ очиб беришга ёрдам беради. Юқорида номлари келтирилган олимлар, мутахассисларнинг айнан шу соҳада қилган изланишлари ва амалиётга қўшган ҳиссалари илмий хулосалар, амалий тавсиялар ишлаб чиқиш учун муҳим негиз бўлиб хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг назарий-услубий асоси** сифатида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ҳукумат қарорлари, иқтисодий назариянинг бозор иқтисодиёти ривожланиши қонуниятларига бағишланган илмий хулосалари хизмат қилди. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларидан фойдаланилди.

Диссертацияда қўйилган мақсадга эришиш ва вазифаларни ҳал қилиш учун умумлаштириш ва таҳлил, таққослаш, статистик таҳлил маълумотларини гуруҳлаштириш каби услублардан фойдаланилди.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти шундаки,** муаллифнинг тарбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишга қаратилган илмий таклифлари ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли бошқарма ва бўлимларида аҳолининг иш билан

---

А.А.,Толаметова З.А. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти.-Т.: Меҳнат, 1998; Абулқосимов Х.П. “Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари”и.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: 2005; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатлари тизимидаги ижтимоий фондлар.- Т.:

бандлигини таъминлашга қаратилган тармоқ дастурларини ишлаб чиқишда, тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, меҳнат бозорини тартибга солишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация ишининг натижа ва хулосаларидан Олий ўқув юртларида “Иқтисодий назария”, “Миллий иқтисодиёт”, “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат бозори ва аҳоли бандлиги” каби фанлари ва махсус курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

- Ҳозирги замон меҳнат бозорининг хусусиятлари очиб берилди;
- меҳнат бозорининг асосий тавсифлари ўрганилди ва уларнинг ҳозирги ҳолатига баҳо берилди.
- Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг ўзига хос жараёнлари ва қонуниятлари тадқиқ қилинди;
- Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш асосида аҳоли бандлиги таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлар комплексини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар тизими ишлаб чиқилди;
- Бандлик сиёсатини самарали амалга оширишда тадбиркорликни ривожлантиришга бағишланган тавсия ва таклифлар асосланди;

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация мантиқан боғлиқ бўлган кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ишнинг биринчи бобида аҳолининг иш билан бандлиги шаклланиши ва ижтимоий–иқтисодий моҳияти, аҳоли турмуш фаровонлиги ва бандлигини оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган, иккинчи бобда Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари, Ўзбекистонда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишда тадбиркорликни тутган ўрни кўрсатиб берилган, учинчи боб эса, Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигининг

таъминлаш борасидаги устивор вазифалар ва уни ҳал қилиш йўллари, Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни бартараф этиш бўйича давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишларини таҳлил қилишга бағишланган.

# **I -БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИХАТЛАРИ**

## **1.1. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ва унинг ижтимоий–иқтисодий моҳияти**

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилувчилари муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жихатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс—ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади”<sup>1</sup>. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шартлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзини ишчи кучига эгалик ҳуқуқига эга булади. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунида таъкидланганидек, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йул қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди”<sup>2</sup>.

Аҳолини иш билан таъминлаш инсон ижтимоий ривожланишининг энг муҳим жихатларидан бири-унинг меҳнат соҳаси ва у билан боғлиқ бўлган эҳтиёжларни қондириш йўллари очиқ беради. Иш билан бандлик одамлар

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига утишнинг узига хос йули. Т: Ўзбекистон, 1993 йил

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни.- Т.: “Адолат” 1998й.10-б.

иш жойлари қаердалигидан қатъи назар, ижтимоий фойдали меҳнатда катнашиш юзасидан ўзаро киришадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Иш билан бандлик муносабатлари, меҳнатга лаёқатли одамларнинг қанчаси ва қай даражада ижтимоий фойдали меҳнатда катнашишини кўрсатади. Бироқ иш билан бандлик тоифаси фақат иқтисодий компонент билан чекланмайди. Иш билан бандлик, аввало, ижтимоий муносабатлардир, яъни одамларнинг жамият ичидаги муносабатларидир, шу боис қандайдир азалий, бевосита юзага келган ҳодиса сифатидаги ижтимоийлик уларнинг асосий хусусияти ҳисобланади.

Иш билан бандликни ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида қуйидагича таърифлаш мумкин: иш билан бандлик—фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки меҳнат даромади келтирадиган фаолиятдир.<sup>1</sup>


Иқтисодиётнинг сифат жиҳатидан олдингисидан фарқ қилувчи ҳар бир ривожланиш босқичи учун иш билан таъминлашнинг муайян модели мос келади, чунки унинг асосий хусусиятлари жамият фаолиятининг муҳим жараёнларини очиқ беради. Аҳолининг иш билан бандлик модели-жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муайян босқичидаги иш билан таъминланишнинг хусусиятини очиқ берадиган қарашлар, тасаввурлар тизимидир. Бундай назарий тушунчалар марказига уни ривожлантиришнинг ижтимоий бозор типигаги давлат учун хос бўлган объектив жараёнларини ҳисобга олувчи иш билан таъминланишнинг шаклланиши қўйилади. Бу ўз навбатида муайян давр мобайнидаги қўйилган мақсадларга эришишнинг реал имкониятлари билан чекланмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатга лаёқатли аҳолининг меҳнатда бандлиги, иш билан таъминланганлик, банд аҳоли, ишсизлик масалаларининг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини аввало назарий жиҳатдан ўрганмоқ керак.

---

<sup>1</sup>Абдурахмонов Қ.Х Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик.Тошкент “Меҳнат”-2004 йил 29 бет.

## 1.1.1-расм



1.1.1.-расм. Иш билан таъминланганлик ва банд аҳоли тушунчаси<sup>1</sup>

Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолига барча ёлланиб ишлаётган ходимлар, ўқувчилар, ҳарбий хизматчилар билан бир қаторда ўзини ўзи мустақил равишда иш билан таъминлайдиган фуқаролар ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган фуқаролар киритилган.

Иш билан бандлар: а) пул билан тўланадиган ёки натура ҳолидаги ҳақ эвазига ёлланиб, шунингдек, ўз фаолияти эвазига қанча муддат ҳақ ёки даромад олишидан қатъи назар, фойда ёки оилавий даромад олиш учун ёлланмасдан ҳафтасига камида 2 соат иш бажарганлар; б) касаллиги ёки жароҳатланганлиги туфайли, беморларга қараб турувчилар; йиллик меҳнат таътили ёки дам олиш кунларида, ўз иш жойидан ташқарида таълим

<sup>1</sup> Турсунов М. “Меҳнат ҳуқуқи” Ўқув қўлланмаси. -Т «Меҳнат», 2002, 14--6.

олганлар; маъмурият ташаббуси билан таъминоти сақлаб қолинган ёки сақланмаган ҳолда меҳнат таътилида бўлган ва бошқа шунга ўхшаш сабаблар билан вақтинча ишда бўлмаганлар; в) оилавий корхонада ҳақ олмасдан иш бажарган шахслардан ташкил топади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонун 1992 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, унга 1998 йил 1 майда баъзи ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Қонунда аҳолининг иш билан бандлигининг асосий принциплари ифодалаб берилган, бу тамойиллар иш билан бандлик муносабатларига бозор хусусиятидан келиб чиқади ва у бир неча тамойиллар билан ифодаланади. Биринчи тамойил фуқароларнинг унумли ва ижодий меҳнат қилишга бўлган ўз қобилиятларидан фойдаланишдан иборат фавқулодда ҳуқуқидир. Меҳнат қилишга мажбур этишга (қандай шаклда бўлмасин) йўл қуйилмайди. Фақат қонунда алоҳида белгиланган ҳоллар бундан мустаснодир.

Маълумки, меҳнат бозорида ишчи кучига булган талаб, унинг таклифига бир катор омиллар таъсир курсатади. Бу омиллар таъсирида ишчи кучига талаб ва унинг таклифи нисбатан ўзгариб туради. (1.1.2.- расм )

Иш билан бандлик масалаларини кўриб чиқаётганда меҳнат ва иш билан бандлик ўртасидаги аниқ фарқни ажрата билиш керак. Меҳнат— инсоннинг ўзига хос хусусиятларига эга бўлган фаолияти бўлиб, ҳаракатларни англаганлиги, куч-қувват сарфланиши, натижадорлик, ижтимоий фойдалилик ва ҳоказолар шулар жумласига киради. Меҳнат вақт хусусиятига эга, у бўлинади ва дам олиш билан алмашилиб туради. Меҳнат—ишчи кучини ишлаб чиқишда ишлатиш жараёнидир. Иш билан бандлик инсоннинг меҳнат қилиш муносабати билан ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ ҳолда кечадиган ижтимоий ривожланишнинг муҳим томонларидан биридир. Меҳнатдан фарқли ўлароқ, иш билан бандликни одамларнинг аниқ иш жойидаги амалий фаолиятига тенглаштириб бўлмайди. Иш билан бандлик меҳнатга лаёқатли одамларнинг иш билан қандай

таъминланганлигини кўрсатади. Бошқача қилиб айтганда, одамни иш билан банд ҳисоблаш учун у бирон-бир жамоанинг аъзоси бўлиши ёки ўз ишини яратиши керак Ижтимоий йўналтирилган иқтисодийнинг энг муҳим мезони иш билан бандликка бўлган муносабатдир. Иш билан бандлик комплекс ижтимоий сиёсатнинг ажралмас қисми деб қаралади. Иш билан бандлик муаммоларининг ижтимоийлиги унинг аввал, бошдан инсонга, унинг манфаатларига ва меҳнат соҳасидаги эҳтиёжларига қаратилганлиги билан белгиланади.

#### 1.1.2.- расм

#### Меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва унинг таълифига таъсир этувчи омиллар<sup>1</sup>

| Омиллар                                                |                                                                                                                     |                                                                                                       |
|--------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Меҳнат бозорига                                        | Ишчи кучига<br>булган талабга                                                                                       | Ишчи кучи<br>таълифига                                                                                |
| - аҳоли сони, ёши ва жинсининг салмоғидаги ўзгаришлар; | - Республика ва Вилоятнинг иқтисодий ривожланганлик даражаси;                                                       | -демографик (туғилиш ва ўлим даражаси, ишга ярокли аҳолининг ўсиш суръати, аҳолининг жинсий таркиби); |
| -қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезони; | - ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳудудий жойлашуви;                                                                     | - миграция (аҳоли ва меҳнат миграцияси);                                                              |
| -иш билан бандликдаги тармок ва ҳудудий ўзгаришлар;    | - ишлаб чиқариш хажмига, унинг ўсиш суръатига;                                                                      | - ижтимоий-иқтисодий (иш хақи даражаси, нафақа таъминоти ҳолати, ишсизлик даражаси);                  |
| -меҳнат ресурсларини тартибга усулига.                 | -иқтисодий фаолиятдаги умумий шарт-шароитлар (иш берувчининг даромад даражаси, иш ўринларини яратишдаги имтиёзлар). | - давлат фаолияти (бандликни тартибга солиш).                                                         |

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Иш билан бандликнинг энг кам деганда тўрт ижтимоий жиҳатини (аспектини) ҳисобга олиш керак бўлади:

а) иш билан бандлик инсоннинг Конституцияда белгилаб берилган энг муҳим ҳуқуқи — меҳнат ҳуқуқи билан мустаҳкам боғлиқлигидир;

б) турмуш даражасини ва муносиб ҳаёт кечириш шарт-шароитларини шакллантиришда иш билан бандлик ҳал қилувчи рол ўйнайди. Айнан иш билан бандлик, меҳнат фаоллигини ошириш ҳозирги вақтда меҳнатга қобилиятли фуқаролар ва улар оилаларининг турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим кафолатидир;

в) ҳар кимнинг ва умуман жамият фаровонлигининг негизи бўлган юқори унумли меҳнатнинг янги сабабини шакллантириш;

г) айнан меҳнат фаолияти инсонни ўзгартиради, унинг касбий имкониятларини очиб беради ва кўпайтиради, шахснинг ривожланишини рағбатлантиради.

Ижтимоий сиёсатнинг бошқа жиҳатлари билан бирга қўшиб қаралганда иш билан бандлик ривожланишининг асосий йўналишларидан бири деб қаралиши керак, ушбу йўналишлар миллий иқтисодиётдаги молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларини қайта гуруҳларга ажратишни, фан-техника тараққиётининг устувор йўналишларини, шунингдек, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, турмуш сифати даражасини ошириш йўллари билан белгилаб беради. Бу ғоят муҳим муаммолардан бири бўлиб, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилиш, бинобарин, бутун иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг муваффақияти ана шу муаммони эътироф қилиш ва ҳал этишга маълум даражада боғлиқдир. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида иш билан бандликнинг асосий хусусиятлари:

- иш билан тўлиқ ва самарали бандликни бирга қўшиб олиб боришни балансли ҳолга келтириш;
- меҳнат қилишнинг ихтиёрийлиги ва меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳамда вазифаларининг уйғунлашуви, ходимларнинг ижтимоий

боқимандаликга барҳам бериш, муносиб турмушни таъминлайдиган иш топиш имконияти учун фуқаро билан давлатнинг баравар масъулияти;

- меҳнат самарадорлигини ошириш йўлида уни сарфлаш тармоқлари, соҳалар, касблар ва ҳудудлар ўртасида ишчи кучининг эркин ҳаракати;
- янгича меҳнат сабаби, тадбиркорлик ва ходимларнинг юқори унумли меҳнат қилишдан кучли манфаатдорлиги;
- бозор иқтисодиётининг салбий оқибатларини меҳнаткашлар манфаатини кўзлаб, аниқ мақсад билан юмшатиб бориш.

Бу хусусиятлар иш билан бандликнинг янги сифат хусусиятларини белгилаб беради, уларнинг шаклланишига тегишли иш билан бандлик сифати мос келиши лозим. Биз иш билан бандлик сиёсатини қўйилган мақсадларга эришиш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига бевосита ва бавосита таъсир кўрсатиш чоралари мажмуи сифатида қараб чиқамиз. Бунда иш билан бандлик сиёсатининг мақсадлари иш билан бандликнинг норматив ҳолатини акс эттириши керак, ҳозирги кун муаммоларини ҳал қилиш билан бундай ҳолатга эришиш мумкин. Макродаражадаги иш билан бандлик сиёсати ижтимоий бозор иқтисодиётидаги иш билан бандликнинг асосий хусусиятларини шакллантиришга: фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш ва юқори турмуш даражасига эришишнинг зарур шarti бўлган иш билан тўлиқ бандликни таъминлашга қаратилгандир.

Иқтисодчилар иш билан бандликнинг турли шакллари аждатадилар, уларнинг айрим белгиларига қараб гуруҳларга бўлиниши 1.1.1.- расмда келтирилган.

Ушбу чизмада келтирилган иш билан бандлик шакллари бизда ҳозирги вақтда мавжуд бўлган иш билан бандлик муносабатлари моделини ташкил этади. Бу моделда иш билан бандликнинг янги шакллари, иш билан бандлик чегараларининг кенгайиши ҳам, иш билан бандлик у ёки бу шаклларининг ҳозирги ҳолатига тўғри келадиган мазмун билан тўлдирилиши ҳам акс эттирилган. Ижтимоий меҳнатда қатнашиш усули бўйича аҳолининг иш билан бандлигини ёлланиш бўйича иш билан бандлик ва ўз-ўзини ёллаш

туфайли мустақил равишда иш билан бандликка ажратиш мумкин. Ёлланиш бўйича иш билан бандлик ишлаб чиқариш воситалари эгалари билан ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлмаган ва ўзининг бўлғуси меҳнатини (ўз ишчи кучини) иш ҳақи шаклидаги муайян қийматга алмашилиш тарзида сотадиган ходимлар ўртасида юзага келадиган муносабатлардир.


Ёлланиб ишлайдиганлар-иш билан бандларнинг энг кўп сонли гуруҳи бўлиб, мулкчиликнинг ҳар қандай шаклидаги корхона (ташкilot, муассаса) раҳбари ёки алоҳида шахс билан пул ёки натура ҳолида ҳақ оладиган меҳнат фаолияти шартлари ҳақида ёзма меҳнат шартномаси, контракт ёки оғзаки битим тузган шахсларни ўз ичига олади.

Ўз-ўзини ёллаш туфайли мустақил иш билан бандлик {self- employment) биз учун аҳоли иш билан бандлигининг нисбатан янги шаклидир. Бу шундай (иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳоказо) муносабатларки, уларга одамлар ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашиш туфайли киришадилар ва улар шахсий ташаббус, мустақиллик ва масъулиятга асосланади ҳамда, одатда, меҳнат даромади олишга йўналтирилган бўлади ва инсоннинг ўзини намоён этиши ва ўз шахсини қарор топтиришини келтириб чиқаради. Бунда миқдорий эмас, балки сифат жиҳати муҳимроқдир.

Инсонни мустақил иш билан банд бўлганлар сирасига киритиш учун олинган даромад миқдори ёки меҳнатда қатнашган вақти тарзидаги миқдорий мезондан фойдаланиб бўлмайди, чунки одамларнинг манфаат, эҳтиёж ва имкониятлари турлича ва уларни ҳамиша ҳам таққослашнинг иложи бўлавермайди. Инсон ўзига ана шу иш билан бандлик келтирадиган маблағлар (пул эквивалента ёки табиий маҳсулот)дан ўз тирикчилиги учун фойдаланиши муҳимдир

Иқтисодиёт ва инсоннинг эҳтиёжларига туғри келиши даражасига қараб оқилона, самарали маҳсулдор ва энг мақбул иш билан бандлик даражаларига ажратилади.

#### **1.1.1.-расм.**



**1.1.1.-расм. Иш билан бандлик шакллари таснифи<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик. Тошкент “Меҳнат”-2004 йил 279 бет.

**Оқилона иш билан бандлик** агрегацияланган ижтимоий-иқтисодий тушунчадир. Унинг мазмуни бир неча шундай блокни ўз ичига оладики, уларнинг меҳнат бозоридаги бор-йўқлигига қараб иш билан бандлик оқилона эканлиги ёки оқилона эмаслигини аниқлаш мумкин. Булар, жамият, ижтимоий гуруҳ ва айрим шахснинг манфаатларини ҳисобга олиш; жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланишини таъминлаш; жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўзгаришларига ҳозиржавоблик кабилардир. Оқилона иш билан бандликни иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига маҳсулдор иш билан бандлар улуши тавсифлайди. Иш билан бандликнинг оқилона иш билан бандлик каби шакли мавжудлигини барча олимлар ҳам тан олавермайди. Кўпчилик фақат тўлиқ ва самарали иш билан бандликни ажратишга мойилдир. Ҳолбуки, оқилона иш билан бандлик таснифлаш элемента бўлиши лозим ва аввало, шунинг учун лозимки, иш билан бандликни самарали деб қатор йиллар ўтганидан кейин, узок истиқболдагина баҳолаш мумкин, меҳнат соҳасида ва иш билан бандлик борасида жараёнларни бошқариш учун эса қисқа ва ўрта муддатли истиқболдаги иш билан бандлик ҳолати баҳоланиши зарур. Бунда оқилона иш билан бандликни самарали иш билан бандликка қарама-қарши қўймаслик керак. Оқилона иш билан бандлик—самарали иш билан бандликнинг шарт-шароити, унга эришишдаги пиллапоядир. Оқилона иш билан бандликсиз самарали иш билан бандлик ҳам бўлмайди.

**Самарали иш билан бандлик** ижтимоий бошқарувнинг жамият ривожининг мазкур босқичида турмуш тарзининг мезонлари тақозо этадиган ходимларни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини тиклаб боришга қодирлигини назарда тутди. Иш билан бандликнинг самарали тусда бўлиши даромад келтирадиган ижтимоий фойдали фаолият билан банд бўлишни ҳамда иш ўринларининг иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлишини назарда тутди. Самарали иш билан бандлик, шунингдек, кўплаб вариантлар орасидан иқтисодий ва ижтимоий

самарадорлик мезонлари йиғиндиси бўйича аниқланган энг яхшисини танлаб олишни ҳам назарда тутди.

**Маҳсулдор иш билан бандлик** шундай иш билан бандлики, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадларига жавоб беради, юқори малакали, яхши ўқитилган ва ҳаракатчан ходимлар соғлом авлодини такрор етиштириш учун шарт-шароитлар яратади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг таърифича, маҳсулдор иш билан бандлик—меҳнат маҳсуллари жамият томонидан қабул қилиниб, ҳақи тўланадиган одамларнинг иш билан бандлигидир.

**Энг мақбул иш билан бандлик** инсоннинг доимий иш билан банд бўлишга давлат томонидан кафолат бўлмаган тақдирда жамиятда муайян мавқе эгаллашини таъминлайдиган шахсий таркибда ҳақ тўлаш шарт-шароитлари асосида моддий ва маънавий неъматлар яратиш мақсадида меҳнат жараёнида қатнашишидир.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини қамраш бўйича иш билан бандлик тўлиқ ва тўлиқсиз (қисман) иш билан бандлик бўлиши мумкин. Тўлиқ иш билан бандлик—жами меҳнатга лаёқатли аҳолига ижтимоий-фойдали меҳнат билан шуғулланишнинг ҳақиқий имконини беришдир. Бироқ 100 %дан камроқни ташкил қиладиган иш билан бандликдир. Тўлиқ иш билан бандлик ноилож ишсизликнинг мавжуд эмаслигига тенгдир. Одамларнинг ижтимоий зарур иш билан бандликка бўлган эҳтиёжини ва уни амалга ошириш имкониятини режали тартибга солиб бориш лозим. Бундан мақсад инсоннинг фаолият кўрсатиш, шарт-шароитларни яхшилаш ва иқтисодиётни самарали ишлашини таъминлашдир. Иш билан бандлик мақоми ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этувчи меҳнат ресурсларининг бир қисми учун белгиланади. Булар даромад олиш мақсади билан товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун иш кучини таклиф қиладиган кишилар гуруҳи, шунингдек, ижтимоий фойдали фаолиятда иштирок этса ҳам бевосита пул даромади келтирмайдиган аҳоли гуруҳи ёхуд неъматлар ишлаб чиқариш ва

хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган даромад келтирадиган кишилар гуруҳидир.

**Биринчи гуруҳга** иқтисодийнинг давлат секторида банд бўлган кооператив, акциядорлар жамиятларида, хусусий секторда ишлайдиган фуқаролар кирази. Иккинчи гуруҳга ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим оладиган ўқувчилар, республика қуролли кучларининг хизматчилари кирази.

Иш билан бандлик муносабатлари иқтисодий, демографик ва ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ бўлади. Иш билан бандликнинг иқтисодий мазмуни ходимнинг ўз меҳнати билан ўзига муносиб ҳаёт кечиришни таъминлаш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришиш имконияти билан ижтимоий мазмуни шахсни шакллантириш ва ривожлантириш билан ифодаланади.

Бугунги кунда иш билан бандлик қатор омиллар таъсирида шаклланади:

1. Қайта қуриш жараёнлари келтириб чиқарган иқтисодийдаги глобал тузилмавий ўзгаришлар, яъни:

- давлат сектори трансформацияси;
- давлат корхоналарини хусусийлаштириш;
- хўжалик юритишнинг янги шакл ва турларини ривожлантириш (кооперация, ижарадаги корхоналар ва бошқа меҳнат жамоалари);
- зарар келтирадиган, экологик зарарли корхоналарни тугатиш;
- республика вазирликлари ва идоралари, жамоат ташкилотларининг бошқарув аппаратини қисқартириш.

2. Ишлаб чиқариш соҳасида содир бўлаётган ўзгаришлар:

- хом ашё, материалларни етказиб бериш ва молиялашнинг камайиши муносабати билан ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмининг камайиши;
- бозорга ўтиш оқибати сифатида корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақтўлашнинг такомиллаштирилиши;
- корхоналар бошқарув тузилмаларининг такомиллаштирилиши.

3. Истеъмол саватининг қимматлашуви оқибати сифатида аҳоли турмуш даражаси, унинг даромадлари ва истеъмоли даражасидаги ўзгаришларда намоён бўладиган иқтисодий омиллар.

4. Омилларнинг ижтимоий-демографик гуруҳи:

- меҳнатга лаёқатли аҳоли сони;
- табиий ўсиш ва ўлиш миқдори (айниқса, меҳнатга лаёқатли ёшда);
- миграция жараёнлари ва фаоллаштириш;
- кадрлар қўнимсизлигининг кескинлашуви.

Иш билан бандликнинг ҳозирги ҳолати кўп жиҳатдан меҳнат ва ижтимоий сиёсат соҳасидаги ўзгаришларга боғлиқдир. Ҳозирги кундаги иш билан бандлик характери меҳнатга лаёқатли аҳолининг давлат хўжалигига асоссиз юқори даражада жалб қилинганлиги билан фарқланади. Бу кўп жиҳатдан иш жойлари билан ижтимоий-демографик омиллар таъсирида шаклландиган меҳнат ресурслари миқдори ўртасида миқдорий мувозанатсизлик ва аҳолининг табиий ҳамда миграцион ҳаракати жараёнларида фарқлар борлигига боғлиқдир.

Давлат корхоналаридаги иш ҳақи даражасининг нархлар инфляцион ўсишидан ортида қолиб боришига кўра ёши меҳнатга лаёқатли аҳоли учун меҳнат тартибига нисбатан катта мажбурийлик хос бўлган (конвейер тизими, кўп дастгоҳлилик ва бошқалар, тор мутахассислилик, оғир ва зарарли меҳнат шaroитлари), иш ҳақи билан қопланмайдиган иш жойлари эътиборсиз бўлиб боради.

Меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда иқтисодиётни ижтимоий йўналтирилганлик даражаси миллий иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг таркиб топган тармоқ ва касб тузилмасини яхшироқ ифода этади.

Иш билан бандлик соҳасидаги вазиятнинг ўзига хос хусусияти қуйидагилардир:

- ноишлаб чиқариш соҳасидаги бандликнинг ўта паст даражаси (ишловчиларнинг аксарият кўпчилиқ қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилади);
- кишлоқ хўжалиғи ва саноатда иш билан бандлик даражасининг нисбатан юқорилиғи.

Саноат тармоқларини ривожлантиришдаги узок муддатли устувор иш билан банд бўлганлар касб таркибини шу тармоқлар эҳтиёжига кўра шаклланишига олиб келади. Шунинг учун халқ хўжалиғи ходимлари таркибида муҳандислик касбидаги мутахассислар, ишчилар орасида эса— анъанавий касблар вакиллари устувордир: малакаси паст ва малакасиз кадрлар ҳиссаси катта. Хизмат соҳасидаги касб таркиби ҳам бир томонламадир, чунки бу тармоқларни ривожлантириш уларни олий маълумотли мутахассислар билан бойитиш билан боғланиб, ўрта бўғин-ўрта ўқув юртларининг етишмаслиғи ва иш ҳақининг даражаси пастлиғи туфайли улар етарлича ривожланмаган.

## **1.2. Аҳолининг турмуш фаровонлиғи ва бандлигини оширишда тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичиданок иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳоли даромадларининг барқарор ўсишига эришиш ва турмуш фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Кейинги йилларда меҳнат бозори чуқур таркибий ўзгаришларни бошидан кечирди: у ишчиларнинг ўзлари, шунингдек тадбиркорларнинг таъсири остидадир, шу билан бирга, маълум давлат бошқаруви зарур буладиган соҳа саналади.

Меҳнат бозори иқтисодий фаол аҳолининг иш билан бандлигини, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасига жалб этилишини таъминлайди. У

ходимнинг ўзи учун янада мосроқ иш жойига ўтишини енгиллаштиради. Меҳнат бозори орқали корхоналар зарур миқдорда ва талаб қилинган сифатга эга ишчи билан таъминланади. Меҳнат бозори қандай кадрлар, мутахассислар, касбларга талаб борлигини, улардан қандайлари ортиқчалигини кўрсатади. Бу кўпгина мамлакатлар учун долзарб муаммодир. Унинг ҳал этилиши жамиятнинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қодир бўлган самарали иқтисодийнинг яратилишини аниқлатади.

Бироқ, масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, меҳнат бозори ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро муносабатини ва шу асосда меҳнат учун тўланадиган ҳақ ишчи кучи қийматининг шаклланишини ифодалаганига қолмасдан, инсоннинг шахс сифатида ривожланганлик даражаси, иш сифатининг ортиши, ишчи кучининг ўзига хос хусусиятларининг ўзгариши, унинг янги сифатларининг пайдо бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳодисалар мажмуини ҳам ифодалайди.


Республикада ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва асосан аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, ишсизлик даражасини пасайтириш, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ролини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. 2013 йилда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.<sup>1</sup>

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши,

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисод ва Ташқи Савдо Министрлигининг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ. Халқ сўзи.

фаровонлигининг ошиб боришига эришишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори ҳисобланган мулкдорлар синфининг, шаклланиши ва мустаҳкамланишини таъминлайди.



1.2.1-расм. Рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони.( ФХ сиз 1 январ ҳолатига, минг. бирлик)<sup>1</sup>

Аҳоли сонининг ва ўз навбатида меҳнатга лаёқатли аҳоли сони ошиб бориши янгидан янги иш ўринларининг ташкил этилишини талаб қилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ўзининг қатор хусусиятларига кўра, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади.

Биринчидан, бу соҳа кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Хусусан, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Иккинчидан, кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлиши учун маъқулроқ бўлиб, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Учинчидан, бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари кўллаш мумкин. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки ҳафтаси, ўриндошлик, мослашувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади.

Тўртинчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Хозирги кунда республикамизда меҳнат ресурсларини иш билан таъминлашнинг энг мақбул йўлларида бири уларни хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилишдир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тараққийлашиб борган сари қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари сони камайиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли салмоғи ортиб боради

Меҳнат ресурсларини хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиниши бир қатор афзалликларга эга:

- хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўрнини барпо этиш 5-6 баробар арзон тушади ва камроқ капитал маблағ сарфланади;
- меҳнат ресурсларини қисқароқ вақт ичида иш билан таъминлаш имконияти пайдо бўлади;
- қишлоқ аҳолисининг иқтисодий ахволини яхшилади, даромадларини кўпайтириш манбаи бўлиб ҳисобланади;
- ижтимоий соҳа фаолияти турларининг кенгайиши давлат хазинасига келиб тушадиган тушумларни кўпайштига олиб келади.

2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан савдо-майиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди<sup>1</sup>. Мамлакатимиздаги ўзига хос демографик хусусиятларидан келиб чиқиб, таъкидлаш жоизки, аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар)нинг кўплаб турлари ички талабни кенгайтиришга хизмат килади. Бу тармоқлар ва соҳалар ташқи конъюнктурага ҳам, об-ҳаво шароитига ҳам боғлиқ бўлмай, ташқи омилларнинг ўзгариши уларга таъсир кўрсата олмайди, балки ички истеъмол бозорида мутаносибликни сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунга қарамай, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ҳамда сервис соҳасини ривожлантириш нисбатан барқарор ва бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашувчан, янги иж ўринлари яратиш имконини берадиган даражада жадаллаштириш ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Тадқиқотларимиз кўрсатишича, мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш шароитида аҳоли даромадлари таркибида қатор ўзгаришлар содир бўлди. Биринчидан, даромад шакллари ўзгарди, яъни унинг анъанавий турлари (иш ҳақи, пенсия, нафақа, стипендия) қаторига мутлақо янгилари – тадбиркорлик фаолиятидан, (кўчмас) мулкдан, қимматли қўғозлардан, чет эл валютасидан келадиган даромадлар қўшилди. Иккинчидан, даромадларнинг таркибий қисмлари миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгарди, бу борада фуқаро ихтиёридаги ҳақиқий даромадлар, тўпланиш ва ажралиш коэффициенти, даромад танқислиги, тирикчилик минимуми, қашшоқлик даражаси, оила пул даромадларининг харид қобилияти каби тушунча ва категориялар пайдо бўлди. Учинчидан, даромадлардан фойдаланишнинг янги йўналиши пайдо бўлди: мажбурий тўловлар ва бадаллар, чет эл валютаси, қимматли қўғозлар ва шахсий мулкни

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ. Халқ сўзи.

сотиб олиш учун харажатлар, тижорат банкларига кўйилмалар шулар жумласидандир. Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир. 2012 йилда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятдан олаётган даромади 51 фоизга ташкил килди, бошқача айтганда, Ўзбекистон аҳолиси даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади иқтисодиётни юксалтиришнинг ижобий суръатларига эришиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтиришдир.



#### 1.2.2-расм. Аҳоли фаровонлигини ошириш йўналишилари <sup>1</sup>

Сўнгги йилларда коллеж битирувчилари томонидан ўз бизнесини ташкил этишга бўлган интилиш кучайиб бораётганини яққол кузатиш мумкин. 2011 йилда битирувчиларнинг 10049 нафари ўз бизнесини ташкил этган бўлса, 2012 йилнинг 9 ойлик яқунларига кўра, бу кўрсаткич 9096 нафарни ташкил

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида.

этган. Битирувчиларнинг ўз бизнесини ташкил этиш истаги кучайиб боришига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатмоқда;

- Коллежларда таълим-тарбия иши замон талаблари даражасида ташкил этилаётгани, ўқув устахоналарининг соҳага оид энг илғор воситалар билан жиҳозлангани натижасида битирувчиларда ўзи танлаган мутахассислик бўйича етарли билим ва касбий кўникмаларни ўзлаштириш имконияти кенгайиб бораётгани;
- Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани;
- Битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида ҳудудларда “Микрокредитбанк”, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИХ билан ҳамкорликда “Ёш тадбиркор – юртга мададкор”, “Менинг бизнес-оям” каби мавзуларда турли семинарлар ва кўрик-танловлар ташкил этилиши;
- Тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган битирувчиларга имтиёзли кредитлар тақдим этилиши.

Таъкидлаш жоизки, биргина 2011 йилда битирувчиларга 21 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, 2012 йил мобайнида бу кўрсаткич 28 миллиард сўмдан ошиб кетди. Шу ўринда рақамларга эътибор қаратиб, 2012 йида тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини олиб, ўз бизнесини ташкил этган битирувчилар фаолиятини иқтисодиёт соҳалари бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг 679 нафари чорвачилик, 140 нафари паррандачилик, 379 нафари тикувчилик, 279 нафари савдо ва хизмат кўрсатиш, 95 нафари иссиқхона, 400 нафарга яқини қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, балиқчилик, асаларичилик, мобиль алоқа хизмати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, миллий ҳунармандчилик, мебелсозлик каби соҳаларда иш олиб бормоқда. Ажратилган имтиёзли кредитларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (1,5 миллиард сўм), Тошкент (2,4 миллиард сўм), Самарқанд (1,3 миллиард сўм), Навоий (1,1 миллиард

сўм), Жиззах (1,1 миллиард сўм), Хоразм (1,3 миллиард сўм) вилоятлари ҳиссасига тўғри келганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Яна бир муҳим жиҳат ўзига эътиборни тортади – 2012 йилда ўз бизнесини ташкил этган коллеж битирувчиларининг аксарият қисми – 66 фоизи (ёки 6045 нафари) хусусий тадбиркорлик фаолиятини кредит олмасдан бошлаган. Улар томонидан 10 мингдан ортиқ (масалан, Самарқанд вилоятида – 1236, Тошкент вилоятида – 1156, Хоразм вилоятида – 1098, Андижон вилоятида – 1080) янги иш ўрини яратилган. Бу кўрсаткич Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида асос солинган, пухта ўйланган сиёсатнинг энг муҳим натижаларидан биридир.

**I боб бўйича хулоса.** Шундай қилиб, банд аҳолига ёлланиб ишлайдиган фуқаролар, шу жумладан, тўлиқ ёки нотўлиқ иш куни (ҳафта) мобайнида ҳақ олиб иш бажарадиган, шунингдек, тегишли шартнома, битим билан тасдиқланган ҳақ тўланувчи ишга эга бўлган касаллиги, таътилга чиққанлиги муносабати билан ишда бўлмаган фуқаролар киради. Ўзини мустақил равишда иш билан таъминлайдиган шахслар, шу жумладан, тадбиркорлар ва фермерлар, ҳарбий қисмлардаги қўшин турларида хизмат қилаётган шахслар, ўқувчилар ҳам иш билан банд кишилар жумласига киради.

Иш излаётган, ишини ўзгартираётган, вақтинча ишламаётган аҳоли ва ишдан ажралган ҳолда ўқимаётган, ишнинг мавсумий эканлиги туфайли вақтинча ишламаётган аҳоли иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳолига мансубдир. Ишсиз мақомига эга бўлган шахслар ҳам иқтисодий фаол иш билан банд бўлмаган аҳоли жумласига киради.

Ҳозирги вазиятнинг ўзига хослиги меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини ўсиш суръатидаги сезиларли даражадаги нотекисликда ҳамда меҳнат ресурслари сонининг ўсиши билан ижтимоий хўжаликдаги иш билан бандликнинг мумкин бўлган динамикаси ўртасида анча қатъийроқ боғлиқлик борлигидадир. Аҳоли табиий ҳаракатининг меҳнат ресурслари таркибига таъсири кучаяди. Шунини айтиш керакки, меҳнатга лаёқатли ёшга кириб

келаётган ёшларнинг катта қисми меҳнатга лаёқатли аҳолини кенгайтирилган қайта тиклашни эмас, балки табиий камайишнинг қопланишини таъминлайди, яъни меҳнат ресурслари сифат таркибининг кескин ўзгаришига олиб келадиган авлодларнинг жадал алмашинуви содир бўлади. Шу билан бирга келгусида ходимлар оммавий ишдан озод қилинган шароитда иш билан бандликдаги вазият меҳнатга лаёқатли аҳоли кўпайишининг сезиларли ортиши туфайли мураккаблашиши мумкин.

Бозор муносабатлари шароитида республикамизда ишсизликни юмшатиш ва аҳолини иш билан бандлиги даражасини кўтариш омиллари ва йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- Оилавий тадбиркорлис ва деҳқон (фермер) хўжаликларини кўпайтириш.
- Қишлоқда майда хунармандчиқ, миллий меҳнат фаолитини ривожлантиришга эътибор бериш.
- Келажакда меҳнат ресурсларининг ўсиш суръати билан иш жойларини ўсиш сурати ўртасидаги мувофиқликни таъминлаш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ҳал этиладиган муҳим масалалардан бири аҳоли бандлиги даражасини ошириш ҳисобланади. Тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айти пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамиятнинг бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади.

## **II- БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛИ ЖИХАТЛАРИ**

### **2.1. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорликни ривожлантириш хусусиятлари**

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантирилиши иқтисодий ислохотларнинг муҳим устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки миллий иқтисодиётда кичик бизнес соҳасининг тараққиёти ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасини баҳоловчи муҳим кўрсаткичлардан бирига айланган.

Президентимиз И. Каримовнинг бевосита ташаббуси билан бошланган иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнининг олти устувор йўналишидан бири қилиб кичик бизнес соҳасини эркинлаштириш вазифаси белгилаб олинди. Бунда Юртбошимиз таъкидлаганидек: «Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафақат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вақтда унинг аҳоли фаровонлиги ва даромадлари ортишида, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам муҳим омилга айланишига эришмоғимиз лозим»<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қўлга киритилган ютуқлар, эришилган натижаларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни беқиёсдир. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қуйидаги учта муҳим масаланинг ҳал этилиши кўзда тутилишини белгилаб берган:

- яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 50-60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш;
- бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши;

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон. 1999. 54 б.

- мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотида ва аҳолининг бандлик даражасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг фаолияти ривожланиб бормоқда.

#### 2.1.1.-жадвал.

#### 2.1.1.-жадвал. Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши (% хисобида)<sup>1</sup>

| Кўрсаткичлар | Кичик<br>корхоналар ва<br>микрофирмалар | Якка<br>тадбиркорлик |
|--------------|-----------------------------------------|----------------------|
| 2000         | 13.01                                   | 17.9                 |
| 2001         | 14.08                                   | 19.0                 |
| 2002         | 15.7                                    | 18.09                |
| 2003         | 16.5                                    | 18.05                |
| 2004         | 18.6                                    | 17.0                 |
| 2005         | 21.5                                    | 16.0                 |
| 2006         | 23.5                                    | 18.06                |
| 2007         | 27.47                                   | 18.03                |
| 2008         | 29.5                                    | 18.07                |
| 2009         | 31.2                                    | 18.09                |
| 2010         | 32.7                                    | 19.08                |
| 2011         | 33.7                                    | 20.03                |
| 2012         | 33.9                                    | 20.07                |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

### **2.1.1.-жадвал. Кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши (% хисобида)<sup>1</sup>**

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакатимиздаги кичик бизнеснинг ЯИМ ҳажмидаги улуши йиллар давомида барқарор суръатларда ўсиб бормоқда. Агар олдинги йилларда бундай ўсишнинг асоси сифатида кичик тадбиркорликни рағбатлантириш бўйича амалга оширилган кенг камровли чора-тадбирлар, хусусан, эркин фаолият учун кафолатларнинг таъминланганлиги, уларни давлат томонидан рўйхатга олиш тартибининг ихчамлаштирилиши, кредит маблағларидан фойдаланиш доирасининг кенгайиши, қулай макроиқтисодий муҳитнинг шаклланганлиги, миллий валюта курсининг барқарорлиги каби омиллар майдонга чиққан бўлса, бугунги кунда ўсиш асосан биржа савдоларида товар-моддий ресурсларни харид қилиш ва таъминот шароитларининг яхшиланиши, ялпи тўлов ўрнига ягона солиқ тўловининг киритилиши натижасида тежалган молиявий ресурсларнинг ишлаб чиқаришга йўналтирилиши ҳисобига эришилди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши таъминлашда жамият аъзоларининг турли кўринишдаги иқтисодий манфаатларини амалга оширишнинг реал механизмларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунга кўра, мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг марказий йўналиши кўп укладли иқтисодиётни яратиш, ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш муаммоларига қаратилди. Хусусий мулк шаклининг қонуний эътироф этилиши, тадбиркорлик фаолияти ҳуқуқий кафолатларининг таъминланиши жамият аъзоларининг узоқ йиллар давомида таъқиқланиб келган эркин ва мустақил хўжалик фаолияти юритишга интилиш кўринишидаги иқтисодий манфаатларининг амалга оширилиши учун кенг йўл очиб берди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



2.1.1.-Расм. Инвестиция лойиҳалари ва кичик бизнес учун ажратилган кредитлар динамикаси, млрд сўм.<sup>1</sup>

Маълумки, мамлакатимиз қонунчилигида (МДХ мамлакатлари қонунчилигида ҳам) кичик бизнес субъектлари фақат уларда банд бўлган кишиларнинг сонига қараб аниқланади. Кўплаб мамлакатларда нафақат кишиларнинг сони, балки тушум, ялпи даромад ва бошқа шу каби кичик ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг чегараларини белгилаб берадиган мезонлар (кўрсаткичлар) татбиқ этилади. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида банд бўлган кишилар сони 50 тагача бўлган ҳамда йиллик капитал айланмаси 4 млн. евродан юқори бўлмаган ёхуд йиллик баланси миқдори 2 млн. евродан ошмаган корхоналар кичик корхоналар ҳисобланади<sup>2</sup>. АҚШда асосий мезонлар бўлиб банд бўлганлар сонидан ташқари кичик корхоналарнинг қайси тармоққа тегишлилиги ва муайян давр ичидаги ўртача йиллик даромади (тармоққа боғлиқ равишда сўнгги 12 ой, уч

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н. ва бошқ. Кичик бизнесни бошқариш: Ўқув қўлланма.: – Т.: «Ўқитувчи», 2003, 84-б.

молиявий йил ва ҳ.к.) кабилар ҳисобланади. Шуниси эътиборга молики, ушбу мамлакатда банд бўлган кишиларнинг сони 500 тадан ортиқ бўлмаган корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади (АҚШ иқтисодиётининг юқори даражада ривожланганлиги туфайли бу ердаги кичик корхоналар ҳам бошқа мамлакатлардагига нисбатан йирик корхоналар сифатида намоён бўлади). Алоҳида тармоқларда, масалан, чакана савдо соҳасида кейинги уч молиявий йил давомида ўртача йиллик даромади 5 млн. АҚШ долларида ошмаган корхона кичик корхона ҳисобланса, қишлоқ хўжалигида 500 минг АҚШ долларида ошмаган корхоналар кичик корхоналар деб эътироф этилади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда “Тадбиркорлик тўғрисида” ги қонунга кўра кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қуйидагилар киради:

- Хусусий тадбиркорлар;
- Микрофирмалар хизмат соҳасида 20 киши ва бошқа ижтимоий тармоқларда 10 киши, улгуржа, чакана савдода ва умумий овқатланиш корхоналарида 5 кишигача ишчиси бўлган;

Иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган кичик корхоналар ўртача йиллик ишчи сони:

- енгил ва озиқ-овқат саноатида, метални қайта ишлаш ва ускуна саноатида, ёғочни қайта ишлаш, мебел ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноатида -100 кишигача;
- машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика, ва химия саноатида, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш саноатида ва бошқа саноат ишлаб чиқариш тармоқларида -50 кишигача;

---

<sup>1</sup> Курманбаева Ф., Пугач И. и др. Малый и средний бизнес в Узбекистане: современное состояние, проблемы и перспективы. Экономическое обозрение. №3 (13) июнь 2000.

- фан, илмий хизмат, транспорт, алоқа, маиший хизмат соҳаси, савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа ижтимоий соҳа тармоқларида- 25 кишигача ишлайдиган корхоналар кичик корхоналар деб эътироф этилади<sup>1</sup>.

Жаҳон банкининг маълумотларига кўра кичик тадбиркорлик субъектларида ишчилар сони 50 тадан ошмаслиги керак. Лекин кўп ҳоллар асосий қабул қилинган мезонлар бу: ўртача ишчилар сони, одатда бир йил давомида корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматлар ҳажми ёки корхона активлари ҳажми олинади.

Бозор иқтисодиёти даврида хусусий корхоналарнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

- маҳаллий хўжалик юритиш шарт – шароитларига тезда кўника олиши;
- бошқарув қарорларини қабул қилишда тезкорлик ва эластиклиги;
- бозорнинг махсус талабларига нисбатан аниқ йўналтирилганлик;
- индивидни шахсий ғояларни амалга ошириш ва ўз қобилиятларини тўла номоён этишнинг катта имкониятлари мавжудлиги.

Хусусий корхоналар иқтисодиётда бандликни таъминлашда муҳим ўрин эгаллайди; улар капитал қўйилмалар бирлигига нисбатан кўпроқ миқдорда ишчиларни жалб этади. Шу билан бирга хусусий корхона мулкдорларида жамғариш ва инвестицияга мойиллиги юқоридир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, йирик коорпорацияларга янги замонавий технологияларни ишлаб чиқиш соҳасида йўл бергани билан лекин фан техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишда етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва амал қилишида ўзига ҳос специфик хусусиятига эга. Биз хусусий корхоналарни шаклланиши ва амал қилишидаги вужудга келадиган, туғиладиган муаммолар хусусиятларини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Биринчи навбатда бу етарли даражада тадбиркорликнинг ташкилий инфраструктурасини ва давлат томонидан қўллаб қувватлашнинг мавжуд

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида” ги қонуни. Т.Ўзбекистон, 1992.

эмаслиги. Бундан ташқари хусусий тадбиркорликнинг шаклланишида мос ҳуқуқий базани мавжуд эмаслиги натижасида вужудга келадиган бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликнинг етарли даражада ривожланмаслиги қуйидагилар билан боғланган:

- ўзгариб боровчи бозор муносабатларига етарли даражада мослаша олмаслиги. Ишчиларни моддий рағбатлантиришни етарли даражада эмаслиги, малакали кадрларни танлаш ва уларни ўқитиш имкониятлари чекланганлиги бозорни ўзгариб боровчи шароитида материалларни сотиб олиш учун керакли ресурсларни чекланганлиги;
- реклама харажатлари молиялантириш имкониятлари чекланганлиги;
- кичик корхоналарнинг ўз мулклари ва кредитга олинган ресурслар нисбатини қониқарли ҳолатда эмаслиги, катта ҳажмда дебитор ва кредитор қарзларининг мавжудлиги ёки банкротлик муолажасини тезлаштирадиган корхоналарнинг қуйи даражадаги тўлов қобилияти;
- корхонани бартараф этиш ва пулни қимматли қоғозларга қўйиш;
- бир корхоналарни бартараф этиш ва корхона мулкани сотиш ҳисобидан вужудга келган эркин капитал ва даромадлар асосида янги корхонани ташкил этиш.

Хусусий корхоналарни амал қилишни муҳим томонлари сифатида уларнинг самарадорлиги кўрсаткичи туради. Кўп тадқиқотчилар хусусий корхоналарнинг самарадорлик муаммосини ўрганишда чет эл тажрибасига кўпроқ эътибор қаратишади. Масалан А. Муфтайдинов таъкидлаб ўтадики кичик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари одатда бир хил эмас<sup>1</sup>. Мисол тариқасида капиталда фойда нормаси, қўшилган қиймат ёки фойда ҳажмини бир ишчи сонига тўғри келиши каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Биринчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик коорпорацияларга

---

<sup>1</sup> Муфтайдинов Қ Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари док.дис. автореферат. Т.: 2004-456 .

нисбатан, кескин орқада қолишади ва аксинча иккинчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик коорпорациялардан анча олдинга ўтиб кетган. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес хусусий тадбиркорликни ўрнини тадқиқ этишда биринчидан корхоналарни тўлов қобилияти, иккинчидан молиявий барқарорлиги, учинчидан кичик тадбиркорликдан молиявий ва иқтисодий таназзул даврларда кичик корхоналарнинг кичик тадбиркорлик субъектларини барқарор иқтисодий фаолияти муҳим ўрин тутди.

Хусусий корхоналарнинг қанчалик даражада иқтисодий ва молиявий самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлса шунга мос равишда уларнинг ресурс базаси ва рақобатбардошлиги юқори бўлади. Хусусий корхоналарнинг ресурс базаси ва рақобатбардошлиги юқори бўлиши унда бозорни демонополизация қилишнинг муҳим асоси, мамлакат аҳолисининг ва унинг миллий хўжалиги эҳтиёжларига мос ҳолда ялпи ички маҳсулот ҳажмини ўстиришга қаратилган кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш имкониятларини беради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни муҳим хусусияти бу унинг иқтисодий таназзул даврида нисбатан юқори барқарорлигидир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари қуйи даражадаги молиявий автономия кўрсаткичларига эга. Шу билан бирга уларда ташқи кредит ресурсларига эҳтиёж юқори даражада. Корхоналарнинг ресурс самарадорлиги кўрсаткичи уларнинг хусусий молиялаштириш манбаалари ҳисобига таяниш имкониятларини бермайди. Лекин кредитлаш тизимини тадбиркорликни ривожланиш манфаатларига йўналтириш иқтисоднинг реал секторида кредит ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўпгина муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Кредит ташкилотларига қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- банкнинг кредит операциялар қийматини пасайтирувчи стандартлаштирилган муолажалари жорий этиш;

- муддати бўйича қопланадиган ва талаб этиладиган банк активлари ва пасивларини уларнинг ликвидлигини оширишга олиб келадиган қисқа муддатли банк пасивларини ошириш;

Республика ва ҳудудлар миқёсида кичик корхоналарни кредит билан таъминлашда кредит таваккалчилигини пасайтириш механизминини шакллантирадиган турли хил кафолатланган схемаларни яратиш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни амал қилиши ва ривожланиши кўп ҳисобда унинг йирик тадбиркорлик билан боғлиқлиги ва ҳамкорлигига боғлиқ. Бу ўринда кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги муносабатлар қандай формаларда амалга ошиши қандай ривожланиши ва унинг ҳамкорлиги кичик тадбиркорликни қандай оқибатларга олиб келиши аниқлаш зарур бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий адабиётда таъкидлаб ўтиладиган кичик ва йирик тадбиркорлик субъектларини ҳамкорлигининг асосан тўрт шаклда амалга ошади:

- Ички пудрат муносабатлари;
- франчайзинг;
- венчурли молиялаштириш;
- лизинг.

Бизга маълумки, ички пудрат муносабатлари АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония, шу билан бирга Осиё – Тинч океани ҳудудларининг баъзи бир давлатларда кенг ривожланган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва бошқа МДХ мамлакатларида юқорида таъкидлаб ўтилган муносабатлар шакли мавжуд, лекин уларнинг ривожланиш шакли юқори даражада эмас. Бугунги кунда йирик ва кичик корхоналарнинг кенг ҳамкорлиги савдо ва турли тижорат хизматлар соҳаларида кенг тарқалган. Саноатга нисбатан олиб қаралганда эса ундаги интеграцион ҳамкорлик шакли сифатидаги ички пудрат муносабатлари юқори даражада шаклланмаган.

Ўзбекистон Республикасида йирик ва кичик корхоналарнинг ҳамкорлигининг франчайзинг шакли асосан умумий овқатланишда, меҳмонхона бизнесида уй рўзғор техникалари, кийим кечак, оёқ кийим ва

х.к. ишлаб чиқаришда шаклланган, лекин франчайзинг муносабатлари билан Ўзбекистон корхоналарининг унча катта қисмини қамраб олмаган. Ўзбекистон Республикасида МДХ мамлакатларидан фарқли равишда франчайзинг муносабатлари такомиллаштирилиб унда касаначилик муносабатлари кенг ривожланмоқда.

Лизинг муносабатларини оладиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ҳаётий муҳим бази бир тармоқларидагина (авиация транспортида, қишлоқ хўжалигида) кенг ривожланган, лекин умуман олганда бу шакалдаги ҳамкорлик миллий иқтисодиёт миқёсида бор йўғи 1% атрофида асосий капитални шаклланишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон иқтисодиётида винчурли молиялаштириш муносабатлари юқори даражада ривожланмаган чунки унда инновацион тадбиркорлик хажмлари нисбатан катта эмас.

## **2.2. Ўзбекистонда аҳоли бандлигини оширишда тадбиркорликни тутган ўрни**

Барқарор иқтисодий ўсиш ва бандликнинг кенгайиши бир вақтнинг ўзида амалга оширилиши зарур. Бу борада Ўзбекистонда жуда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланиш аҳоли бандлиги ва ЯИМ ўсишининг муҳим манбаи ҳисобланади. Кейинги йилларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш асосан хусусий сектор ҳисобига амалга оширилмоқда. Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда аҳолининг иш билан банд қисмининг 50%дан ортиғи (Японияда 80%) кичик ва ўрта бизнес соҳасида банддир. Президентимиз ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига урғу бериб, «...Кичик бизнес ва тадбиркорлик яхши йўлга қўйилса, айниқса, қишлоқ хўжалигидан бўшаган ишчи кучларини иш билан таъминлаш, маҳаллий хом ашё, деҳқончилик ва қурилиш ресурсларини қайта ишлашни такомиллаштириш, ички истеъмол бозорини халқ истеъмоли моллари ҳамда хизматлар билан

таъминлаш каби долзарб муаммоларни бартараф этиш мумкин. Шундай қилайликки, иқтисодиётимиз тизимида, аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи кучга айлансин»<sup>1</sup>. 2013 йилда юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.<sup>2</sup>

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш давлат томонидан қўллаб қувватланишига муҳтож. Шу сабабли Ўзбекистонда кичик бизнес хусусий тадбиркорлик фаолиятини тизимли тараққий эттириш ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида уларни самарадорлигини ошириш мақсадида 200 дан ортиқ қонун ва фармон ҳужжатлари экспертизадан ўтказилиб амалга жорий қилинди. Бунинг ёрқин мисоли сифатида Ўзбекистонда янги ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредит жамғармасининг кредит ресурслари миқдорининг икки бараварига оширилганлигини таъкидлаш лозим. Бандлик соҳасида қишлоқ хўжалигидаги ортиқча меҳнат ресурсларини саноат, савдо, транспорт, алоқа, қурилиш ва бошқа тармоқларга жалб қилишдан иборат сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди.

### 2.2.1.-жадвал

| кўрсаткичлар              | 1991   | 1995   | 2000   | 2005    | 2010    | 2011    | 2012    |
|---------------------------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|
| Жами иқтисодиётда бандлар | 8255,0 | 8449,0 | 8983,0 | 10196,0 | 11628,4 | 11919,1 | 12223,8 |
| Саноат                    | 1179,4 | 1093,0 | 1145,0 | 1348,0  | 1539,6  | 1563,7  | 1589,1  |
| Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги  | 3456,4 | 3485,0 | 3093,0 | 2967,0  | 3127,5  | 3239,4  | 3324,9  |
| қурилиш                   | 675,9  | 538,0  | 676,0  | 849,0   | 1065,1  | 1093,4  | 1124,6  |
| Транспорт ва алоқа        | 399,1  | 347,0  | 382,0  | 488,0   | 603,8   | 619,9   | 635,6   |

<sup>1</sup> Каримов И.А. «Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурашимиз». Т.: 7-жилд. 415-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ. Халқ сўзи.

|                                                                                   |        |        |        |        |        |        |        |
|-----------------------------------------------------------------------------------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Савдо, умумовқатланиш, моддий-техника таъминоти, савдо ва тайёрлов                | 464,2  | 705,0  | 754,0  | 904,0  | 1243,2 | 1283,4 | 1332,4 |
| Уй-жой-коммунал хўжалиги, аҳолига ноишлаб чиқариш туридаги маиший хизмат кўрсатиш | 188,9  | 214,0  | 251,0  | 316,0  | 400,5  | 417,5  | 427,8  |
| Соғлиқни сақлаш жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот                              | 488,0  | 487,0  | 587,0  | 736,0  | 894,1  | 908,5  | 929,0  |
| Маориф, маданият, санъат, фан ва илмий хизмат кўрсатиш                            | 1126,0 | 1054,0 | 1146,0 | 1385,0 | 1609,9 | 1636,9 | 1638,0 |
| Молия, кредит ва сугурта ташкилотлари                                             | 25,0   | 40,0   | 52,0   | 54,0   | 66,3   | 67,7   | 73,3   |
| бошқалар                                                                          | 252,1  | 486,0  | 897,0  | 1149,0 | 1078,4 | 1088,7 | 1149,0 |

### 2.2.1.-жадвал. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича бандлар сони, минг киши.<sup>1</sup>

Вилоят бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофиза қилиш марказлари фаолиятининг таҳлилини кўрсатишича, меҳнатга яроқли кишиларнинг норасмий иш билан бандлиги ошиб бормокда. Бунга фақат демографик ўзгаришлар сабаб бўлмасдан, бундан ташқари ижтимоий-иқтисодий характердаги сабаблар ҳам ўз таъсирини кўрсатмокда. Масалан, яратилаётган иш жойларининг ўсиш суръати меҳнатга лаёқатли аҳолининг ўсиш суръатидан орқада қолмокда.

### 2.2.1.– расм.

|                       | Иқтисодиётнинг давлат сектори                                                                                                            | Хусусий тадбиркорлар                                                                                          | Муваффақ иш ўринлари                                                               |
|-----------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------|
| Республика даражасида | Ишчи кучига талаб ошиб борадиган ҳудудлар ва соҳалар учун имтиёзлар тизимини урнатиш. (имтиёзли соликка тортиш ва кредит ажратиш) Меҳнат | Солик олинмайдиган дастлабки муддатни аниқлаш. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва иш ўринлари сонини ошириш билан | Вактинча ва қисман банд ходимларни ижтимоий сугурта қилиш учун бюджет тўловлари ва |

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси.

|                   |                                                                                                                                             |                                                                                                                                                                                             |                                                                                                    |
|-------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                   | бозорида ракобатлаша олмайдиган ёшлар, ногиронлар ва аёллар бандлигини таъминлашда корхонанинг иктисодий манфаатдорлиги шароитини яратиш.   | даромадга солинадиган солиқни камайтириш. Такрор ташкил килинган кичик корхоналарга давлат субсидияларини ажратиш.                                                                          | бадалларни камайтириш.                                                                             |
| Вилоят даражасида | Ходимларни излаш, ўқитиш буйича харажатларни корхоналар томонидан қопланиши. Янги иш ўринларини яратишда махсулотни сотилишидаги имтиёзлар. | Маҳаллий бюджетлар ва бандлик фонди ажратмалари ҳисобига кичик корхоналарни ривожлантиришнинг ҳудудий фондларини яратиш. Маъқул бизнес режаларини яратиш ва танлаш услубиятини ишлаб чиқиш. | Бандликни алоҳида шакллари ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг корхоналар томонидан қопланиши. |

### 2.2.1.– расм .Иш ўринлари яратишни рағбатлантириш йўналишлари<sup>1</sup>

Қуйидаги расм нафақат Республикада, балки унинг вилоятларида ҳам иш ўринлари яратишни рағбатлантириш йўналишларини очиқ беради.

Таҳлиллардан шу нарса маълум бўлдики, минтақа меҳнат бозорида иш изловчилар орасида юқори малакага эга бўлмаганларнинг кўплиги ҳам меҳнат бозоридаги вазиятни кескинлаштиради. Аксарият иш берувчилар ўз ҳисобидан кадр тайёрлашдан кўра, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали арзон ишчи кучига эга бўлишга ҳаракат қиладилар. Арзон ишчи ўринлари бизга маълум ишловчиларга етарли даражада иш ҳақлари билан таъминлайдилар.

Бу борадаги амалга оширилган иқтисодий ислохотлар Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг юқори суръатлар билан ривожланиши ва аҳолини мунтазам муқим иш ўринлари билан таъминлаш учун хизмат қилади.

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган..

Аҳоли яшаш даражасини барқарорлаштиришни таъминлашда вилоятлар муҳим асосий рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам аҳоли бандлигини тартибга солишчи ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш самарали давлат бандлик сиёсатини амалга оширишга хизмат қилади. Аҳоли бандлигини тартибга солиш дастурларини ишлаб чиқишда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш мақсад қилиб олинади:

- вилоят меҳнат бозори фаолиятини яхшилаш;
- инвестиция сиёсати;
- иш ўринлари яратиш тадбирларини амалга ошириш;
- ишчи кучи сифатини ошириш;
- меҳнат миграциясини тартибга солиш.

Бу дастур қуйидаги қисмлардан ташкил топиб, ўзига хос вазифаларни бажаришда ёрдам бериши керак: ташкилий қисм (тадбирларни тузиш, уларни амалга ошириш ва назорат қилиш); ҳуқуқий қисм (меърий ҳужжатлар тайёрлаш, амалда қонунчиликка қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш); иқтисодий қисм (бандликни таъминловчи ташкилотларнинг иқтисодий барқарорлиги); таҳлил қисми (статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил этиш); таълим қисми (маълумот олишни давом эттириш учун моддий шароитлар яратиш).

Аҳолини иш билан бандлиги ва қўшимча даромад олиш имконини яратиш орқали жамиятдаги ижтимоий мувозанатни сақлашга катта ҳисса қўшиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига Низомга амал қилади.

Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг узоқ муддатли устуворликларини ҳисобга олган ҳолда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- меҳнат бозорини ривожлантириш ва бошқариш, аҳолининг бандлиги, шу жумладан хорижда ишлашини таъминлаш, демографик омиллар ва иқтисодиётни ривожлантириш истикболларини ҳисобга олган ҳолда ишга жойлаштиришнинг илғор шаклларини жорий этиш бўйича самарали чора-тадбирларни тайёрлаш;
- банд бўлмаган аҳоли ва ишсизларга, биринчи навбатда ёшларга, аёлларга, имкониятлари чекланган шахсларга уларни профессионал қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича, шунингдек ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш бўйича сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш;
- ёлғиз қариялар, ногиронлар, кам таъминланган oilалар ва аҳолининг бошқа заиф тоифаларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича амалий ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш, тиббий-ижтимоий муассасаларнинг моддий базасини мустаҳкамлаш;
- меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни, меҳнат муносабатлари, меҳнатни моддий рағбатлантириш ва муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда;

меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чоратadbирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972,7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда<sup>1</sup>. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа етарли даражада ривожланмаган, ишсизлик даражаси нисбатан юқори бўлган тоғли, чегара ҳудудларда жойлашган 28 та туманга алоҳида эътибор берилади.

### 2.2.2.-Жадвал.

**Иқтисодиётда банд аҳолининг ҳудудлар бўйича тақсимланиши, минг киши.<sup>2</sup>**

| кўрсаткичлар                 | 1991   | 1995   | 2000   | 2005    | 2010    | 2011    | 2012    |
|------------------------------|--------|--------|--------|---------|---------|---------|---------|
| Ўзбекистон Республикаси      | 8255,0 | 8449,0 | 8983,0 | 10196,0 | 11628,4 | 11919,1 | 12223,8 |
| Қорақалпоғистон Республикаси | 469,2  | 451,8  | 489,0  | 533,9   | 580,8   | 590,0   | 600,2   |

<sup>1</sup> 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш давлат дастури.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тзилган.

|            |       |        |        |        |        |        |        |
|------------|-------|--------|--------|--------|--------|--------|--------|
| Андижон    | 712,6 | 777,6  | 827,7  | 954,8  | 1112,0 | 1144,7 | 1176,4 |
| Бухоро     | 530,4 | 554,2  | 585,9  | 668,6  | 768,1  | 784,7  | 804,4  |
| Жиззах     | 285,2 | 270,9  | 295,0  | 332,5  | 381,6  | 392,4  | 402,9  |
| Қашқадарё  | 620,5 | 677,0  | 725,0  | 821,7  | 971,6  | 1003,7 | 1036,7 |
| Навои      | 295,1 | 285,6  | 322,1  | 376,6  | 407,9  | 413,4  | 418,5  |
| Наманган   | 525,4 | 562,2  | 609,0  | 693,7  | 815,3  | 841,7  | 872,2  |
| Самарқанд  | 839,8 | 856,6  | 921,0  | 1050,1 | 1229,9 | 1269,8 | 1314,5 |
| Сурхондарё | 526,3 | 533,6  | 574,8  | 651,7  | 784,4  | 817,7  | 843,0  |
| Сирдарё    | 220,7 | 227,1  | 248,3  | 280,1  | 319,9  | 327,5  | 334,8  |
| Тошкент    | 912,9 | 842,0  | 595,8  | 1015,4 | 1155,4 | 1183,4 | 1215,6 |
| Фарғона    | 945,1 | 969,8  | 1022,0 | 1170,6 | 1340,4 | 1367,6 | 1398,9 |
| Хоразм     | 413,7 | 424,4  | 461,2  | 522,3  | 606,7  | 625,2  | 643,4  |
| Тошкент ш. | 958,1 | 1016,4 | 1005,2 | 1124,3 | 1153,8 | 1156,7 | 1162,3 |

2013 йилда иш ўринларига бўладиган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига, шу жумладан, демографик вазиятга, миграция жараёнларига таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари ва тамойилларини, иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, саноат, инфратузилма, инвестиция, монетар ва фискал сиёсат чора-тадбирлари таъсирини таҳлил қилиш асосида белгиланган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш. Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Шу жиҳатдан, ҳозирги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси, аҳоли фаровонлигини ошириш омили сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда унинг қўллаб-қувватланиши натижасида мазкур

тармоқнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан йилга ортиб бормоқда.

Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизга, 2009 йилда 50,1 фоизга, 2010 йилда 52,5 фоизга, 2011 йилда эса 54 фоизга ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 23 фоизга ўсди.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Ўзбекистонда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш йўналиши қуйидаги расмда келтирилган.



2.2.2.-расм. Фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш йўналиши<sup>1</sup>

1 Ўзбекистон Республикаси Ислон Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. – 2011, 68-б.

Мамлакатимизда фермер хўжаликларини янада тараққий эттиришда асосий эътибор аграр соҳада ислохотларни чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнларида бозор тамойилларини тўла қарор топтириш асосида қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини кескин оширишга қаратилмоқда.

**II боб бўйича хулоса.** Хулоса қилиб айтганда Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида тадбиркорлик муҳим рол ўйнайди. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилари ва тадқиқотчилар XXI асрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кўплаб мамлакатларда иқтисодиётнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, у ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Шу боис ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ ҳамда аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қай даражада ривожланганлигига боғлиқ бўлади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш долзарб масалаларининг кўрсатиб ўтилган барча даражаларда ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этилиши мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнлари самарадорлигини янада оширади, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини янада жадаллаштиради.

### **III – БОБ. РЕСПУБЛИКАМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК ОРҚАЛИ МЕҲНАТ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТИВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати йўналишлари**

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида аҳолини иш билан таъминлаш, ишсизликни бартараф этиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бўйича давлат фаол ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боради. Чунки, меҳнат салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини ва оила даромадларини ошириш миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлашда давлатнинг қуйидаги дастакларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

- Бандликни таъминлаш бўйича махсус дастур қабул қилиш ва уни амалга ошириш;
- Янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлиги ошириш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш;
- Тармоқ ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда янги иш ўринлари яратишни ҳисобга олиш;
- Талабдан келиб чиққан ҳолда коллежлар ва олий таълим муассасалари жойлашуви ва уларнинг ихтисослашувини таъминлаш;
- У Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида имтиёзли банк кредитларини бериш ва бошқалар.

Замонавий бандлик сиёсатини амалга оширишда давлат назоратининг роли ривожланган бозор иқтисодиёти тизимига эга бўлган кўпгина мамлакатларда у ёки бу кўринишда фойдаланилаётган қуйидаги асосий усул ва воситаларида кўринади.

1. Мақсадга йўналтирилган дастурлар ва кўзда тутилган кўрсаткичларни ўз ичига олган ва кенг миқёсда қўлланадиган умумдавлат миқёсида режалаштириш усули. Бунда умумдавлат миқёсида режалаштириш миллий даромад, нархларнинг ўсиш (пасайиш) суръати, ташқи иқтисодий сиёсат ва бошқа муҳим кўрсаткичларни қамраб олади ва шунинг ўзи билан, узок муддатли иқтисодий сиёсатга асос солинади. Буларнинг ҳаммаси бозор хўжалигининг янада тез суръатлар билан олға қараб ривожланиб боришига имкон яратади.

2. Ўртача муддатли молиявий режалаштириш. Бу усул бозор муносабатларини давлат томонидан назорат қилиш, ҳамда давлат бюджетидан фойдаланишнинг асосий механизми ҳисобланади.

3. «Манфаатларни мувофиқлаштириш» сиёсати. Унинг моҳияти иш берувчилар, ишчилар ва давлатнинг манфаатларини мувофиқлаштиришга эришишдан иборат. Бунда у ёки бу мамлакат бозор иқтисодиёти тизимининг умумий эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фойда ва иш ҳақи миқдорлари мувофиқлаштирилади.

4. Давлат пул-кредит сиёсати. Бу сиёсат ҳам давлат назоратининг асосий воситаларидан бири сифатида кенг қўлланилади.

XIX асрнинг сўнгги ўттиз йиллигида пайдо бўла бошлаган ишга жойлаштириш хизмати давлат томонидан ташкилий фаолият йўналишларидан бири қилиб белгиланган. Ишсизлик ва бандлик, биринчи навбатда инвестиция фаоллигини ва ишлаб чиқариш қувватларининг иш бажариш имкониятини белгилаб берадиган иқтисодий конъюнктура (вазият)га боғлиқ.

Ўзбекистонда давлат ҳамма вақт энг йирик иш берувчи бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Давлат секторидаги тармоқ таркиблари кўп ҳолларда хусусий тузилмаларнинг фаолиятини такрорлаётган бўлсада, хусусий капитал фаолиятини ўз фаолияти билан алмаштираётганлари йўқ, аксинча, бу фаолиятнинг тўлиқ бўлиши учун ижтимоий зарур бўлган, лекин у ёки бу сабабларга кўра хусусий капитални

йўналтириш объектлари ҳисобланмайдиган ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмакдалар.

Меҳнат бозори эндигона шаклланаётганлиги сабабли, у давлат назоратисиз фаолият кўрсата олмайди. Меҳнат бозорини назорат қилишдан энг асосий ижтимоий аҳамиятга молик мақсадлар:

- бу ишсизлик даражасини пасайтириш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг мақсадга мувофиқ бўлишига эришиш (демакким, билвосита унинг нархини ҳам белгилаш);
- иқтисодий фаол аҳолининг касбий-иқтисодий манфаатларини, шу жумладан, уларни ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжларини қониқтириш, иқтисодиёт тармоқлари учун керакли бўлган мутахассислар билан таъминлаш;
- тўлиқ бўлмаган иш ҳафтаси ва сирғалувчан иш жадвали ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда, самарали ва энг кам «танаффус»ли бандликка эришишдан иборат.

Бу мақсадларнинг барчасига эришиш учун меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатувчи инфратузилмаси яратилиши лозим. Унинг давлат миқёсидаги асосий элементлари: меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган, унинг умумий чегараларини белгилаб берувчи меъёрлар ва меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши лозим. Давлат ижтимоий масалаларга ва меҳнатга оид қонунларни унификациялаш (бир хиллаштириш)ни таъминлайди, ишга ёллаш соҳасида иш берувчилар ва ишчиларнинг ҳуқуқларини, меҳнат бозорини назорат қилувчи маҳаллий идораларнинг ваколатларини ва ҳоказоларни белгилайди.

Бевосита таъсир ўтказувчи меъёрий ҳужжатларни қўллашдан ташқари, давлат солиқ, пул-кредит, амортизация (бино, иншоот, ва шу кабиларнинг қимматининг эскириш, тўзиш натижасида камайиб бориши ва уни қоплаш учун белгиланадиган чегирма) сиёсатлари, ҳамда бошқа умумиқтисодий хусусиятга эга бўлган чора-тадбирлар орқали ҳам меҳнат бозорини


билвосита назорат қилиб боради. Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозорини шакллантиришда давлат ҳал қилувчи рол ўйнашидан далолат беради.

Бўлиб ўтаётган иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва ишсизлик даражасининг қонуний равишда камайишини келтириб чиқаради. Бироқ, меҳнат бозорига нисбатан бундай қараш ўта соддалаштирилган нуқтаи назар бўлган бўлар эди. Аслида эса, меҳнат бозорига анча мураккаб омиллар мажмуи таъсир кўрсатади. Улардан қуйидаги 3 йўналиш доирасини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: табиий-ресурслар, демография, ижтимоий-иқтисодий вазият.

Маълумки, бозор иқтисодиёти бошқарув усулларида иқтисодиёт самарадорлигини оширишга, хўжалик юритиш соҳаси иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган иш ўринларини сиқиб чиқаришга, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолининг истеъмол талабини қондириш учун ишчи кучини қайта гуруҳларга бўлишга қаратилгандир. Бундай шароитда иш билан тўлиқ бандликка қўмаклашиш стратегик мақсад бўлиб қолади.

Энг яқин тактик мақсад иш ўринларига бўлган талаб ва таклифнинг балансланишидир. Бунга фақат ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансли бўлишига эришиш шартларига комплекс ёндашув билан эришиш мумкин. Кўпинча бу муаммони ҳал қилишда оммавий ишсизликнинг олдини олишнинг зарур шarti бўлган иш ўринлари тизимини ривожлантиришга эътибор берилади. Оммавий ишсизликка йўл қўймаслик, унинг олдини олиш тизими тўғрисида ғамхўрлик қилиш жамият учун эътиборли томонлардан бири ҳисобланади. Бу тадбирлар орасида анча муҳими жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун иш билан бандлик соҳасидаги ўз ўрнини ҳақиқатан ҳам эркин танлашга, иш кучининг ижтимоий-касбий ҳаракатчанлигини оширишга, унинг юксак рақобатбардошлигини шакллантиришга давлатнинг ҳар томонлама ёрдам кўрсатишидир. Буларнинг ҳаммаси иш билан бандлик соҳасини демократлашга олиб келадиган ижтимоий ва иқтисодий жараёнларни ривожлантиришни талаб қилади. Иш билан бандлик соҳасини

демократлаш, меҳнат кишисини озод қилиш иш билан бандликнинг қаттиқ тартибга солинган шартларидан воз кечиш, меҳнатга қобилиятли аҳолининг турли гуруҳлари шахсий манфаатлари билан касб имкониятларини бараварлашни билдиради. Тадбиркорлик ёки бажарувчилик фаолияти, давлат хизматини ёки ўз тижорат ишларини маъқул кўриш бутун меҳнатга қобилиятли давр мобайнида ёки унинг айрим босқичларида ишлаш, меҳнат режимининг турли-туманлиги—буларнинг ҳаммаси фуқароларнинг хилма-хил касбий манфаатларини қондириш учун зарурдир. Шу сабабли иш билан бандлик шароитларининг хилма-хиллигига ўтиш қанчалик фаолроқ амалга оширилса, юқори унумли меҳнатнинг янгича меҳнат сабаби шунчалик тез пайдо бўлади ва иш билан тўлиқ бандликни таъминлаш имконияти кенгаяди.



3.1.1.-расм. Янгидан ташкил этилган иш ўринлари таркиби. (2012 йилда жаъмига нисбатан % ҳисобида)<sup>1</sup>

Аҳолининг иш ўринларига бўлган талабининг пасайишига, унинг айрим гуруҳларининг ҳаддан ташқари иш билан бандлигига барҳам бериш, бунинг учун болали аёллар, ишни ўқиш билан қушиб олиб бораётган ёшларга, пенсионерларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурини такомиллаштиришга меҳнат унумдорлигини оширишни жадаллаштириш шароитида иш билан тўлиқ бандликни таъминлашнинг зарур шарти деб қаралиши керак.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 7,3 млн.га ошди ва ҳозирги кунга келиб жами аҳоли сонидаги улуши 60

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

фоиздан ортиқни ташкил қилмокда. Бу албатга давлат олдидаги аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларни иш билан таъминлашдек муҳим вазифа ҳисобланади. 2007 йил 6 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг №ПҚ-616-сон Қарори билан аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг ғоят муҳим омили сифатида унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ушбу масалаларни ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилшл органларининг ролини фаоллаштириш ҳамда жавобгарлигани кучайтириш, шунингдек улар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури" тасдиқданди. Ушбу дастурда 2007 йилдан бошлаб ҳар йили камида 550 минг янги иш ўринлари ташкил қилиш белгилаб қўйилди.


Аҳолининг бандлик даражаси ва даромадлари, унинг ҳаёт даражасини ошириш, шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш бўйича юртимиз ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Сенатининг қарори билан "Янги иш ўринларини ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъмиклаш" дастури қабул қилинади. Шу дастур доирасида биргина 2011 йилнинг ўзида 970,9 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил қилинди. Шундан:

- 50 фоизга яқини кичик корхона ва микрофирмалар ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига;
- Оилавий бизнесни ташкил қилиш ҳисобига 22,5 фоизи;
- 6 фоиздан ортиғи ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳамда янги объектларни ишга тушириш;

-21,5 фоизи асаричилик, балиқчилик, паррандачилики ва ижтимоий, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига яратилди.

Маълумки мамлакатимиз аҳолисининг 49 фоизи қишлоқ жойларда истиқомат қилади. Қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни иш билан таъминлаш мақсадида 2011 йилда қишлоқ жойларда 592 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди ва 2012 йилда эса бу кўрсаткични 600 мингга етказиш режалаштирилган.

**3.1.2 – расм.**



3.1.2 – расм. Аҳоли бандлигини тартибга солишнинг ҳудудий дастури<sup>1</sup>.

Фикримизча аҳоли бандлигини тартибга солиш тадбирларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат бозорининг ҳудудий масалаларини ҳал қилишга қаратилган маҳаллий тартибга солиш ташкилотлари ролини оширишга;
- ишсизлик даражаси юқори бўлган туманларда давлат бюджети ва ижтимоий-иқтисодий дастурлари ҳисобига молиялаштиришни амалга оширишга;
- шаҳарлар ва қишлоқларда оммавий ишсизлик салбий оқибатларини камайтиришга қаратилган тадбирлар.

<sup>1</sup> Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Биз юкорида вилоят меҳнат бозори фаолияти ҳақида фикр юритарканмиз, шундай хулосага келдик:

Ўзбекистон Республикаси ва вилоятлари меҳнат бўлимлари фаолиятига кўмаклашувчи мукобил бандлик хизмат турларини ривожлантириш, бунинг учун муайян давлат руйхатидан ўтган ижтимоий хизмат тури сифатида қайд этилган, аҳолини меҳнатга жалб этишни хусусий агентликлар орқали кўринишини шакллантириш лозим деб ўйлаймиз;

Бугунги кунда бандликнинг муаммолари орасида ишсизлик муддатининг узайиши жиддий хавфни юзага келтиради. Бу меҳнат бозорида сурункали ишсизликнинг мавжудлигидан дарак беради. Бу вилоят меҳнат бўлимларида “ишчи кучи” банкини ташкил қилишни таказо этади. Бунда банк компьютер марказида ишчи ўринларига ваканциялар ва ишчи кучи таклифи ҳақидаги маълумотлар тўпланади ва тўлдириб борилади. Тўпланган маълумотлар тадбиркорларга ҳам, ишсизларга ҳам тақдим қилинади. Шу муносабат билан бўш ишчи ўринлари ҳақидаги маълумотлар ягона банкининг ривожланиши муҳим аҳамиятга эга.

Худудий меҳнат бўлимлари қошида иш ўринлариши талаби ва таклифи жойлаштирилган мунтазам нашр (хафталик) газеталар йўл қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Вилоятларда янги иш ўринларини ташкил қилишда хусусий секторга карашли бўлган кичик ва йирик тадбиркорлик корхоналарида яратилаётган иш ўринларига ката эътибор қаратиш зарур. Корхоналарда яратилаётган маълум иш ўринлари сонининг ўсиши давлат томонидан рағбатлантирилиши катта аҳамият касб этади ва иш ўринларининг кўпайиши учун тўла асос бўла олади. Бунда аромад олигининг маълум қисмини чегирилиши корхона эгаларини янги ринлари сонини кўпайтиришга чорлайди.

Аҳолининг иш билан бандлигига кўмаклашиш бўйича ахборот хизмати кўламини кенгайтириш зарур (радио, телевидения, интернет).

Мехнат бозорини тартибга солишнинг амалга оширилиши ҳудудларнинг ривожланишидаги ўзига хосликларни ҳисобга олишга, унинг асосида хусусийлик шакли, корхона ҳажмидан қатъий назар зарур шароитларни яратиш бўйича эркинликлар беришга, аниқ мақсадга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқишга имкон беради.

Ушбу дастурлар қўйган вазифаларни бажариш аниқ бир ҳудуд шароитига тадбиқ қилиниб, бандлик муаммоларини ҳал қилишда, меҳнат бозорини тартибга солишда маҳаллий ўз-ўзини тартибга солиш ташкилотлари маъсулиятини оширади. Ишсизлик даражаси юқори бўлган шаҳар ва туманларда маълум молиялаштириш асосларини ва сарф-харажатларини талаб қилади, лекин ҳудудий дастурлар бажарилишининг охириги натижаси Ўзбекистон меҳнат бозорининг ҳолатига шубҳасиз боғлиқ бўлади.

Давлатнинг аҳоли бандлигини ошириш бўйича амалга ошираётган чора-тадбирлари натижасида 1990-2011 йилларда иқтисодиётда банд аҳоли деярли 4 млн. кишига кўпайиб, 2011 йилда 11919,1 минг кишини ташкил қилди. Аҳоли бандлиги таркибида ҳам муҳим ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган хусусийлашгариш оиёсати, бу соҳага берилаётган имтиёзлар ва қулайликлар натижасида 2011 йилга келиб, жами банд аҳолининг 81,5 фоизи нодавлат секторга тўғри келди. Бу кўрсаткич 1990 йилда 41,5 фоизни, 2000 йилда 75,9 фоизни ташкил қилган. Агар 1990 йилларда қшплққ хўжалигида шпловчилар сони жами банд аҳолининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 25 фоизга тушди, Ҳизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Статистик тўплам: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустиқиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. Тоғакент - "Ўзбекистон" - 2011., 97 бет.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, еврохудуддаги иқтисодий жараёнлар (қарз инқирози, давлат бюджетининг қисқариши) таъсирида бутун дунёда ишсизлик ортиб бораётган бир пайтда, мамлакатимизда аҳолининг иш билан бандлиги йилдан йилга ортмоқда. Бу албатта, давлатнинг олиб бораётган ижтимоий сиёсати, бандликни ва аҳоли турмуш сифатини оширишга қаратилган чора-тадбирлари натижасидир.

Ҳозирги даврда мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва айниқса, янги, технология жиҳатидан истиқболли иш ўринларини яратишга, мамлакатимизда шаклланадиган меҳнат бозорини назорат қилиш йўлидаги бош қадам сифатида қаралмоғи лозим. Бироқ, тегишли дастурларни бундан кейинги молиялаштириш бандлик хизмати ҳисобидан эмас, балки корхоналарнинг хусусий маблағлари, кредит ресурслари ва, агар имконият бўлса барча миқёслардаги давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фермерлик ва бошқа тадбиркорлик турлари билан шуғулланувчи уй-хўжаликлари, бошқа корхоналар билан бир қаторда иш ўринларини яратиш субъектлари ҳисобланадилар. Шундай экан, уй-хўжаликлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш ҳам меҳнат бозорини назорат қилишнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжалиқларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан, тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

Давлатнинг бандлик соҳасидаги сиёсати қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган:<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. - Т.: “Адолат” 1998й.10-б.

Барча фуқароларнинг меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш ва бандлик шаклини эркин тарзда танлаб олиш имкониятларига эга бўлишларини таъминлаш;

Фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик билан боғлиқ ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

Бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатдаги бошқа йўналишлар билан мувофиқлаштириш йўли билан, уларнинг унумли меҳнат қилиш қобилиятларининг ривожланишига кўмаклашиш;

Меҳнатнинг ихтиёрийлиги тамойилига риоя қилиш ва янги иш ўринларини яратаётган иш берувчиларни рағбатлантириш йўли билан, бандлик шаклининг эркин тарзда танлаб олинишини таъминлаш;

Давлат органлари, касаба уюшмалари тадбиркорларнинг фаолиятларини мувофиқлаштириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан аҳолининг бандлик соҳасида ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлаш.

Аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш масалалари билан давлат ҳокимиятининг турли органлари ва жамоат ташкилотлари шуғулланадилар.

### **3.2. Ўзбекистонда меҳнат бозорини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги устивор вазифалар ва уни ҳал қилиш йўллари**

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш, уларга муносиб ҳаёт ва меҳнат шароитлари яратиб беришга қаратилган ижтимоий – иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида турли жабхаларда меҳнат килаётганлар сони ортиб бормокда, мавжуд меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш курсаткичи тобора яхшиланмокда. Аммо, бу борада ҳал этилиши лозим булган муаммолар ҳам мавжуд. Чунки, бугунги кунда меҳнат потенциалининг

ўсиш микдори иш билан банд аҳолии сонинг ўсишидан анча юкоридир.

Республика Президенти И.А.Каримов ишсизликни инсон учун салбий оқибатларини курсатиб, шундай дейди: “Агар одамлар иш билан банд булмасалар, иш булмаса бу – офатдир, айникса, ёшлар учун офатдир. Бекорчилик сабабли улар жамият учун зарарли хатти-харакатларга йул куядилар, жиноят содир этадилар, безорилик киладилар”<sup>1</sup>. Бугунги кунда касб-хунар коллежлари битирувчиларини ўз касбини пухта эгаллаган, меҳнат бозори талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган даражада тайёрлаш билан бир вақтда уларнинг меҳнат бозоридан ўз ўринларини топишига кўмаклашишга, юртимизда бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. “Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларидан фойдаланиш, бу маслага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди”<sup>2</sup>, деб Президентимиз бу борада олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Дарҳақиқат, 2012 йилда давлатимиз раҳбари томонидан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичи – таълим сифатини оширишга қаратилган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилиб, уларнинг жамият ҳаётида ўз ўринларини топиб олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда

Бугунги кунда ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими бўғинида 1,7 миллиондан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. 1537 та ўрта махсус, касб-хунар


---

<sup>1</sup> И.А.Каримов. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида». – Т: «Ўзбекистон», 2011. 60-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш// Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

таълими муассасасида 214 та йўналиш ва мутахассислик бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Битирувчиларни иш билан таъминлаш қатъий назоратга олинган. 2012 йили коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлабчиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди<sup>1</sup>.

### 3.2.1.-расм.



3.2.1.-расм. Иқтисодиётда бандларнинг ёши бўйича таркиби (жамига нисбатан %да), (ташқи халқа -2012 йил, ички халқа-2000 йил)<sup>2</sup>


Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими томонидан олиб борилган фаолият таҳлили шуни кўрсатадики, 2011-2012 ўқув йилида мамлакатимиз касб-ҳунар коллежларини муваффақиятли якунлаган 501477 нафар битирувчининг қарийб 80 фоизи иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган<sup>3</sup>.

### 3.1.2.-Расм.

<sup>1</sup> Матқурбонов Қ. Кадрлар тайёрлаш миллий модели дунё тажрибаси ва миллий хусусиятларимизни ўзида мужассам этган ўзига хос ноёб ҳодиса // Маърифат, 2013 йил 6 феврал, №11 (8556).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>3</sup> Бурҳонов У. Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшади// Маърифат, 2012 йил 7 ноябрь.



**3.2.2.-Расм.** Иқтисодиётда бандларнинг маълумоти бўйича тақсимланиши (жамига нисбатан % да), (ташқи халқа -2012 йил, ички халқа-2000 йил)<sup>1</sup>

Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими томонидан олиб борилган фаолият таҳлили шуни кўрсатадики, 2011-2012 ўқув йилида мамлакатимиз касб-хунар коллежларини муваффақиятли якунлаган 501477 нафар битирувчининг қарийб 80 фоизи иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган<sup>2</sup>.

Меҳнат бозори талабларининг 2012 йилдаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, касб-хунар битирувчиларининг:

- муҳандислик, ишлов бериш ва қурилиш тармоқлари йўналишида (137870 нафар);
- ижтимоий соҳа, бизнес ва ҳуқуқ йўналишида (78234 нафар);
- таълим йўналишида (59132 нафар);
- соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналишида (34889 нафар);
- қишлоқ ва сув хўжалиги йўналишида (23170 нафар);

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

<sup>2</sup> Бурҳонов У. Ўз бизнесига эга ёшлар юртимизнинг истиқболдаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшади// Маърифат, 2012 йил 7 ноябрь.

- хизмат кўрсатиш йўналишида (12398 нафар);
- гуманитар фанлар ва санъат йўналишида (2890 нафар) ўз мутахассислиги бўйича иш ўринларига эга бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Хусусан, 2012 йилда “Ўзметкомбат” ОАЖ, “Олмалиқ” КМК, “Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси каби йирик корхоналарда мазкур битирувчиларга талаб юқори бўлганини кузатиш мумкин.

Аммо, таҳлиллар касб-хунар коллежларида айрим йўналишлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда номутаносибликларга йўл қўйилаётгани, ҳудудий меҳнат бозори ҳамда соҳаларнинг кичик мутахассисларга бўлган талаби етарлича ўрганилмаётганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат касб-хунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни доимий тарзда меҳнат бозори талабларига ва унинг келажакдаги прогнозларига боғлиқ ҳолда ташкил этишни муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

Шу ўринда, ҳар бир коллеж директори ҳудуд ва соҳанинг истиқболи ҳамда мамлакатнинг стратегик йўналишларини чуқур билган ҳолда, маҳаллий ҳокимият органлари билан биргаликда мазкур вазифага жиддий масъулият билан ёндашиши талаб этилади.


Гарчи, сунгги йилларда Ўзбекистонда ишсизлар сони ва даражасининг нисбатан камайиши кузатилган булсада, бироқ бу миқдор ханузгача салбий ва муаммоли даражада қолмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан амалга оширилган мониторинг натижалари курсатишича, 2010 – йил 1 январ ҳолатига кура юртимизда ишсизлар сони 601,4 минг кишини ташкил этиб, уларнинг иқтисодий фаол аҳолидаги улуши 5,0% дан иборат бўлган<sup>1</sup>. Республикада ишсизликнинг юқори даражаси Қорақолпоғистонда кузатилиб, мазкур ҳолат ушбу минтақадаги экологик вазият билан боғлиқдир.

Миллий иқтисодиётда аҳолини меҳнат билан таъминлаш эндиликда амалда ижтимоий фойдали фаолиятнинг бирдан-бир соҳаси ҳисобланмайди. Меҳнатнинг умумийлиги ҳуқуқий бурч сифатида мустаҳкамланган вақтда у

ана шундай эди. Меҳнат соҳаси ижтимоий фойдали иш билан бандликнинг ўқиш, уй-рўзғор ишлари, болаларни тарбиялаш ва ҳоказолар каби тенг ҳуқуқли ва ҳамма учун қулай соҳалардан бирига айланмоқда. Ихтиёрий иш билан бандликка барҳам бериш сабаби битта—у ҳам бўлса, тирикчилик воситала-рининг ғайриқонуний манбаидир.

Бугунги кунда меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари яратаётган иш берувчилар рағбатлантирилмоқда, уларга солиқ, кредит ва бошқа имтиёзлар берилмоқда; меҳнат бозорида ишчи кучи сифати ва рақобатдошлигини ошириш чоратadbирлари кўрилмоқда; аҳолини иш билан таъминлашнинг энг самарали воситалари бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси янада жадал суръатларда ривожлантирилмоқда; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган тоифалари моддий қўллаб-қувватланмоқда, улар учун иш ўринларини квоталаш тартиби йўлга қўйилди; давлат ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан вақтинчалик ва жамоат ишлари ташкил этилмоқда; ташқи ва ички миграцияни тартибга солишга эътибор кучайтирилмоқда.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантириш, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхоналар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларини кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади. (–расм.)



### 3.2.3.–расм Аҳолининг ишбилан бандлик даражасини ошириш йўналишлари<sup>1</sup>

Бугунги кунда Республикамизда янги иш жойларини яратиш қуйидагилар асосида амалга оширилмоқда:

- 2011—2015 йилларда саноатни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастур, иқтисодиёт тармоқларини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишнинг давом эттирилиши;

1. Абдурахмонов О.Х., Шоюсупова Н.Т. Аҳоли иш билан бандлиги. ўқув қўлланма. ТДИУ. 2011

- Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш. Маълумки, кичик бизнес субъектлари учун би қатор солиқ имтиёзлари берилди, уларнинг қўлланилиши янга иш ўринлари ташкил этишни рағбатлантиради. Жумладан Олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида микрофирма ва кичик корхоналарга битирувчилар ҳисобига иш билан банд ходимларнинг ўртача йиллик сонини чекланган меъёрини, кичик бизнес субъектлари учун белгиланган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқларини сақлаган ҳолда 20 фоизгача оширишга рухсат этилди. Бу эса кичик бизнес субъектларига бўшаган маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради;
- Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
- Оилавий тадбиркорлини ривожлантириш;
- Касаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш. Бунда биринчи навбатда, меҳнат шартномалари асосида корхоналар билан кооперациядаги касаначиликни, ҳунармандчилик ҳамда қорамол етиштириш ва уйда турли хил хизматлар кўрсатишга асосланган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш банд бўлмаган фуқароларни, асосан кўп болали аёлларни, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий ночор тоифаларини иш билан таъминлашга хизмат қилади;
- Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизациялаш, озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш дастурини амалга ошириш. Бунда фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш, шу жумладан чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар, боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларива агрофирмаларнинг ташкил этилиши ҳам аҳолининг иш билан бандлигини таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 июлдаги "Оилавий тадбиркорликни ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида" ги 216-сонли қарори ва 2011 йил 7 январдаги «Хусусий тадбиркорлар «юридик

шахс» ташкил этмасдан шуғулланшди мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги 6-сонли қарори билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар асосида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини тайёрлаш билан шуғулланувчи хунармандларни расмий равишда рўйхатдан ўтказиш орқали аҳолини иш билан бандлиги таъминланади.

Юқоридагилар билан биргаликда, халқ хунармандчилиги корхоналарини ташкил этиш унда касаначиликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунинг учун аҳоли ўртасида касаначилик фаолияти, унинг афзалликлари, касаначилик бўйича ҳукуматимиз томонидан берилган имтиёзлар тўғрисида тарғабот ишларини олиб бориш, норасмий фаолият билан банд бўлган хунарманд ва касаначиларни расмий фаолиятга ўтказишга имкон берадиган иқтисодий механизмларни ишлаб чиқиш керак бўлади.

Банклар томонидан соҳанинг молиявий қўллаб-қувватланиши салмоқли натижаларга эришишига шароит яратмоқда. Президент Ислон Каримовнинг "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори 38 мамлакат тижорат банклари фаоллиги ва барқарорлигини оширишда дастурий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда<sup>1</sup>.

Фикримизча мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига мос ислоҳотларнинг амалга оширилишида банк тизими ўз мавқеини тўлиқ эгаллаб олганини тасдиқлади. Тижорат банкларида соҳа вакилларига кўрсатилаётган молиявий мадад, ҳисоб рақами бўйича амалларнинг ўз вақтида бажарилиши, аҳолига кўрсатилаётган хизматларининг кенг қамровлиги, миқдорларга янги замонавий технологиялар асосида юқори даражада хизмат кўрсатилаётгани, маслаҳат бериш ва

---

1 "2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш, унинг барқарорлигини ошириш ва юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори, № ПҚ-1438. 26.11.2010 й.

масаланинг ечимида яқиндан ёрдам кўрсатиш ишлари олиб борилаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Меҳнат бозорини мамлакат миқёсида молиялаштириш сиёсатини амалга ошириш учун умумий ҳажми юқори даражада бўлган маблағлар ажратилаётган бир пайтда, бандлик даражаси юқори бўлишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган таъсирчан чора-тадбирлар учун қилинган сарф-харажатлар миқдори қанчалик катта бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик паст ва аҳоли меҳнат фаоллигининг умумий даражаси шунчалик юқори бўлади.

Швеция ва АҚШ меҳнат бозорларидаги вазиятни қиёслаш натижалари фикримизга яққол далил бўла олади. Швецияда меҳнат бозори сиёсатини амалга ошириш учун қилинган сарф-харажатлар миқдори нисбати АҚШдаги 0,8% қараганда 3 мартадан ортиқроқ миқдорни 2,7%ни, аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаол чора-тадбирларни амалга ошириш учун сарфланган харажатлар АҚШда 35 %ни, Швецияда икки барабар кўп миқдорни –70 %ни ташкил қилади.<sup>1</sup>

Ҳозирги кунда тижорат банкларининг микрокредитлар ажратиш, жумладан таълим муассасалари, айниқса касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларига имтиёзли микрокредитлар ажратиш, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш фаолияти кенгайиб бормокдалар.

Янги иш ўринларини яратишда, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда банк кредитлари катта аҳамиятга эга. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари кредитлардан асосан ишлаб чиқаришни ташкил этиш, мавжуд корхоналарни янги технологиялар асосида модернизация қилиш, замонавий ишлаб чиқаришни бино ва иншоотларини қуриш каби мақсадларда фойдаланишяпти.

---

<sup>1</sup> Михайлушкин А.И. «Международная экономика». Учебник. М.: Высшая школа 2002. с.244

Банкларнинг оилавий бизнесга эътибор бериши Президент И.Каримов томонидан ишлаб чиқилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятнинг ривожлантириш Концепциясига мувофиқ келади. Бизнеснинг бундай шакли ўзбек халқи учун қадимий анъанадир. Оиладаги маънавий ва моддий манфаатдорлик уйғунлига, оила аъзоларининг бирдай масъуллиги ишлаб чиқариш жараёнларининг изчиллиги ва авлоддан авлодга ўтишини таъминлайди.

Оилавий тадбиркорлик оилани мустаҳкамлаш ва турмуш даражасини яхшилашга, болаларни ҳунарли ва меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашда, уларнинг ишбилармонлик салоҳияти ўсишига шароит яратади. Бугунги кунда оилавий бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринлари яратишда, умуман иқтисодий ўсишда банклар кредитлари муҳим ўрин тутмоқда. Бинобарин, оилавий бизнеснинг саноат корхоналари билан кооперациялашуви тенденцияси кучайиб бормоқда. Соҳа вакиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган барча имконият ва имтиёزلардан фойдаланиб келмоқда. Оилавий бизнес амалда ўзининг ҳар томонлама истиқболли эканини исботлади ва банкларнинг ишончли ҳамкорига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2000 йил 19 майдаги 195-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ:

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит ажратиш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит ажратишдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан

олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилиниши имтиёзли кредитлар ҳажмини оширишга шароит яратди;

- жамғарма маблағлари устувор равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини, узоқ ва бориш қийин бўлган туманларда, шунгшгдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туманлар ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмаларини, кичик корхоналарни, деҳқон ва фермер хўжаликларини молиялаштириш учун ажратилиши белгиланди;
- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 16 июндага 175-сонли қарори билан Ўзбекистон Банклар уюшмаси ҳузурида Инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш жамғармаси ташкил этилди. Иктисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларида лойиҳа ғояларини танлов бўйича танлаш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқишни молиялаштириш, кредит ташкилотлари томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилишини ташкил этишга кўмаклашиш унинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

И.А.Каримовнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун кулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони билан 2011 йил 1 сентябрдан бошлаб кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди; уларнинг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризалари банклар томонидан уч банк кунида кўриб чиқиш амалиёти жорий этилди.

Кўрилган изчил чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. 2011 йил давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан қарийб 3 трлн. 582 млрд. сўм ёки ўтган

йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп миқдорда кредитлар<sup>39</sup> ажратилди.

Шу йил ноябрь ойига қадар ажратилган микрокредитлар ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўп ёки салкам 655 млрд сўмни ташкил этди. Шундан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг салкам 22 млрд сўмга (3,5 баравар кўп) тенг лойиҳалари молиялаштирилди<sup>40</sup>. Шахсий томорқа ва дехқон хўжаликларининг қорамол харид қилишлари учун 51,5 млрд сўм (1,4 баравар кўп) кредит ресурслари ажратилди. Банклар томонидан "AgroMimTechExpo" кўргазма савдоларида тадбиркорлик субъектларининг мянтехнология ва ихчам ускуналар сотиб олишлари учун имзоланган 26,9 млрд сўмлик (3,3 баравар кўп) шартномалар бўйича лизинг хизматлари кўрсатилди.

Шунингдек, озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга 615,2 млрд. сўм (1,3 баравар кўп), тижорат банкларининг имтиёзли кредитлаш махсус жамғармалари ресурсларидан 21,8 млрд (2,3 баравар кўп), оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандликни ривожлантириш учун 49,4 млрд. сўм (2,3 баравар кўп), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга салкам 318 млрд. сўм (1,4 баравар кўп)<sup>41</sup> имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Шу билан бирга кичик бизнес субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия ташкилотларининг кредит линиялари ҳисобидан 111,3 млн доллар (1,3 баравар кўп)<sup>42</sup> миқдорида маблағ ажратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредит ресурсларига бўлган асосли талабларини тўлиқ қондириш учун йил охиригача қўшимча 210 млрд сўмга яқин ресурслар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда келгусида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланиши учун тижорат банкларида тадбиркорларга амалий йўл-йўриқ бериш ишларини кучайтариш, кредит

ажратиш ва унинг таъминоти, жойларда ўтказиладиган амалий учрашувларнинг самарадорлигини ошириш масалаларида катор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлди.

**III боб бўйича хулоса.** Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, кичик бизнес ва хусусий корхоналари фаолияти самарадорлигини белгиловчи тадбиркорлик муҳити асосан бозор механизмининг истикболли йўналишлари дастуридир. Ўзбекистонда тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кўпайтириш бозор иқтисодиётига мос товар ва хизматлар бозорини шакллантириш ҳамда маҳсулот экспортини оширишда муҳим ўрин тутди. Бу борадаги асосий вазифалар қуйидагилар ҳисобланади: давлат ташкилотларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини чеклаш; хусусий тадбиркорларнинг ресурслар ва сотиш бозорларидаги иштирокини кенгайтириш ҳамда уларни молиявий қўллаб қувватлаш ва қўшимча солиқ имтиёзларини жорий этиш. Бугунги кунда ушбу соҳага жуда катта эътибор қаратиладиган экан, айнан банк молия ташкилотларининг бу соҳага қаратган эътибори юқори бўлмоқда.

Давлатимизнинг бандлик муаммоларини ҳал қилиш бўйича муҳим ва ўзаро бирлаштирилган йўналишлари қуйидагилардан иборат: мавжуд иш ўринларидан янада тўлиқроқ фойдаланиш, кичик корхоналарни ривожлантириш, капитал қўйилмаларни истикболли равишда ривожланаётган соҳаларга, ҳамда анъанавий бандлик соҳаларига йўналтиришга туртки бўлиб хизмат қиладиган мўътадил инвестиция ва солиқ сиёсатини юритиш орқали иш ўринлари танқислигини бартараф этиш; энг аввало меҳнат бозорида кескин вазият ҳукм сурган ҳудудлардаги тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес, яқка тартибдаги ишбилармонлик фаолиятини, миллий-халқ ҳунармандчилигининг ривожланишини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш; иқтисодиётнинг нодавлат секторидаги бандлик кўламларини мақсадга мувофиқлаштириш, бу соҳада меҳнат қонунларига риоя қилиниши юзасидан давлат назоратини таъминлаш; меҳнат бозорида

кескин вазият ҳукм сурган ҳудудлардаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш; бандликнинг ўзгарувчан шакллари ривожлантириш; ҳаёт тарзини тадрижий (эволюцион) равишда барқарорлаштириш, алоҳида аҳоли тоифаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, шу жумладан, бошқа ижтимоий тоифаларнинг иш ўринларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишига кўмаклашиш; юқори сифатли ишчи кучини шакллантириш воситаси -узлуксиз таълим тизимини бундан кейин ҳам ривожлантирилишини таъминлаш; меҳнат шарт-шароитлари, иш ҳақи тўлаш ва иш вақтидан фойдаланиш масалаларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат муҳитининг сифатини яхшилаш; юқори малакали ишчиларнинг захирада туриб қолиш ҳолларини камайитириш, иш ўринларидан унумли фойдаланишга интилиш; давлат аҳоли бандлиги хизмати томонидан амалга ошириладиган ва ишсизликнинг олдини олиш ва ишсиз кишиларнинг фаол меҳнатга қайтишларини таъминлашга йўналтирилган дастурий хизматларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш.

## Хулоса ва таклифлар

Мазкур тадқиқот иши соҳасига тегишли назарий ва амалий адабиётларни ўрганиш ҳамда, олиб борилган илмий изланишлар қуйидаги хулосаларни чиқаришимизга имкон берди.

1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Ўзбекистонда иш билан бандлик ҳамда унинг ташкил қилувчилари муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатларда янгича маъно касб этади. Меҳнат бозори иш билан бандликни тартибга солишда фаол ўринни эгаллайди. Меҳнат бозорида асосий миллий ресурс—ишчи кучи шаклланади ҳамда корхоналар, тармоқлар ва минтақалар бўйича тақсимланади.

2. Ўзбекистон Республикасида бандлик билан боғлиқ истиқболли режаларни иқтисодийнинг глобаллашув жараёнини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқишни, иккинчи тарафдан эса, бандлик билан боғлиқ қарашлар тизими ва бандлик сиёсатининг устувор вазифаларини белгилашда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишидаги ҳудудий ўзига хосликларнинг ҳисобга олинишини талаб қилади.

3. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тараққийлашиб борган сари қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнат ресурслари сони камайиб, хизмат кўрсатиш соҳаларида банд бўлган аҳоли салмоғи ортиб боради

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, ўзининг қатор хусусиятларига кўра, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражаси ортишига ижобий таъсир кўрсатади; бу соҳа кам капитал сиғимига эга янги иш ўринларини тез ташкил этишга қодир. Хусусан, кичик корхоналарда ҳар бир иш ўрнига капитал сарфи йирик корхоналардагига нисбатан анча кам бўлади; кичик бизнес иқтисодий фаол аҳолининг иш билан банд бўлиши учун маъқулроқ бўлиб, бу уларга ташаббус кўрсатиш ва ижодий ғояларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратади; бевосита кичик корхоналарда иш билан бандликнинг мослашувчан шакллари қўллаш мумкин.

5. Хўжалик юритишнинг бу субъектларидаги тўлиқсиз бўлмаган иш куни ёки хафтаси, ўриндошлик, мослашувчан иш графиги меҳнатга лаёқатли аҳолининг турли тоифалари учун мақбул бўлади; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асосан меҳнат сиғими кўп талаб этиладиган тармоқларда жадал ривожланиб, ижтимоий меҳнатни ташкил қилишнинг улкан соҳаси, давлат ва маҳаллий бюджетларга молиявий тушумларнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

6. Янги иш ўринларини яратишда, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилишда банк кредитлари катта аҳамиятга эга. Касб-ҳунар коллежларида айрим йўналишлар бўйича мутахассисларни тайёрлашда номуносивбликларга йўл қўйилаётгани, ҳудудий меҳнат бозори ҳамда соҳаларнинг кичик мутахассисларга бўлган талаби етарлича ўрганилмаётганини кўрсатмоқда. Бундай ҳолат касб-ҳунар коллежларида мутахассислар тайёрлашни доимий тарзда меҳнат бозори талабларига ва унинг келажақдаги прогнозларига боғлиқ ҳолда ташкил этишни муҳим вазифа қилиб қўймоқда.

7. Хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, унга қўлай шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида ҳукуматимиз бир қанча муҳим қарорларни қабул қилди. Хусусан, солиқ юкини камайтириш, божхона тўловларини соддалаштириш, тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар фоизи ставкасини пасайтириш, айниқса паст фоизли имтиёзли кредитлар ҳажмини йилдан йилга кўпайтариш борасида сезиларли даражада ёрдам берилмоқда. Бу борада 2012 йилда ҳам юридик мақомдаги кичик бизнес ва хусусан тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тулови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга туширилмоқда.

8. Ишга жойлаштириш имкониятларининг кенгайиши алоҳида эҳтиёжларга эга ижтимоий гуруҳларнинг мавжудлиги, демографик вазият, ҳамда ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги йўналиш ва анъаналарнинг ўзгарувчан хусусиятга эга эканлиги алоҳида тегишли чора-тадбирларнинг ишлаб

чиқилиши ва қўлланишини талаб қилади. Давлат сектори ва хусусий сектор бандлик сиёсатининг барча соҳаларида эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенг ҳуқуқлилиқни таъминлаш, ирқий-этник келиб чиқиш, дин, ёш, саломатлик ва ногиронлик билан боғлиқ камситиш ва чеклаб қўйишларга йўл қўймаслик лозим.

Тадқиқотлар натижасида аниқланган муаммоларни бартараф этиш ҳамда ишчи кучи бозорининг иқтисодийётнинг ўсиши ва барқарор ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши нуктаи назаридан қуйидаги илмий тавсия ва амалий таклифлар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Бандлик сиёсатини амалга оширишда иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган, меҳнат сиғимкорлиги юқори бўлган, маҳаллий ресурслардан фойдаланиш назарда тутилган ва пухта ишлаб чиқилган лойиҳаларни амалга оширишни ва рағбатлантиришни кенг йўлга қўйиш тақозо этилади.

2. Барқарор иқтисодий фаолиятни таъминлаш ва қишлоқ жойларида самарали бандлик кўламини кенгайтириш мақсадида чорвачилик, ўрмончилик, балиқчилик хўжалиги ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарида мутаносиб даражадаги ривожланишга эришиш лозим.

3. Вилоятларда, туманларда демографик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, реал иш ўринларини барпо этиш бўйича ҳамма имкониятларни ишга солиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга, айниқса қишлоқ жойларида касаначилик билан шуғулланадиган фуқаролар учун моддий техника таъминоти бўйича хизмат кўрсатадиган ва улар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишга кўмаклашадиган тузилмалар яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

5. Давлатнинг таркибий, тузилмавий органлари томонидан бандлик муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Шу билан бирга, давлатнинг меҳнат бозорини назорат қилиши, меҳнат соҳасидаги жараёнларни кузатиб бориши, уларнинг ривожланиш истиқболларини

олдиндан башорат қилиши, энг аввало, инқирозли вазиятларнинг олдини олишга, меҳнат бозоридаги кескин вазиятни юмшатишга йўналтирилмоғи лозим.

6. Табiiй ресурсларга тежамкорлик билан ёндошиш ва улардан оқилона фойдаланиш, ночор экотизимлар мавжуд бўлган шароитларда аҳолини ҳаёт кечириши учун зарур бўлган воситалар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

7. Кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланувчилар дуч келадиган тўсиқларни ва шахсий ташаббусни бўғувчи тартиб-қоидаларни бартараф этиш лозим. Барча молиялаш манбалар ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш учун бериладиган кредитлар ҳажмини кўпайтириш ва кредит бериш шартларини янада такомиллаштириш зарур.

8. Кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларнинг халқаро бозорларда иштирок этиш тартибларини осонлаштириш, малакали замонавий ходимлар тайёрлаш, техник ахборот ва маълумотлардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш лозим.

9. Хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўрнини барпо этиш 5-6 баробар арзон тушишини ҳамда капитал маблағларининг кам сарфланишини ва бошқа ижобий жиҳатларни инобатга олган ҳолда меҳнат ресурсларини хизмат кўрсатиш соҳаларига жалб қилиш:

10. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожланиши учун тижорат банкларида тадбиркорларга амалий йўл-йўриқ бериш ишларини кучайтариш, кредит ажратиш ва унинг таъминоти, жойларда ўтказиладиган амалий учрашувларнинг самарадорлигини ошириш масалаларида қатор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш.

11. Ишга жойлаштириш марказлари хизматларини такомиллаштириш, ижтимоий ҳафвсизлик механизмларини яратиш, касбий-техник йўналишни таъминлаш, бандлик, иш излаб топиш, касбга тайёрланиш, таълим олиш ва ахборот алмашилиш масалалари бўйича маслаҳат хизматларини йўлга қўйиш керак деб ўйлаймиз.

12. Ишчи кучи бозори билан боғлиқ маълумотлар тизимини, хусусан, бандлик, ишсизлик ва иш ҳақи тўғрисидаги тегишли маълумот ва кўрсаткичларни йиғиш ва ҳисоблаб чиқиш йўли билан мустаҳкамлаш, меҳнат бозори билан боғлиқ маълумот ва ахборотларни, шу жумладан, расмий бозордан ташқаридаги мавжуд иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни тарқатишни йўлга қўйиш керак.

Меҳнат бозори бозор иқтисодиётининг пойдевори ҳисобланади. У ўзининг рад этиб бўлмайдиган қонунларига бўйсунитиш талаб қилади. Агар меҳнат бозори қонунлари тўлалигича амалда бўлса ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар уларнинг талабига жавоб бера олса, иқтисодиёт эса турли товар ва хизматлар бозорлари кўринишида ишчи кучини моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлса, у ҳолда жамият фаровонлик йўлидан боради. Бундай жамиятга меҳнатга лаёқатсизларни ва ишсизларни ўз қарамоғига олиш ҳам унчалик қийинчилик туғдирмайди. Чунки ишчи томонидан эркин танлаб олинган ва унинг манфаатларига мос келадиган меҳнатга асосланган самарали тизим ишдан бўшатирилганларни ўз қарамоғига олиш ва тегишли ёрдамларни бериш имкониятига эга бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Қонунилари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон» 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири). 1998 йил 1 май.
3. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси, 1996й. 21 декабрь
4. Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолиятининг кафолатлари тўғрисида» Қонуни, 2000 йил 25 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида» Қонуни. «Адолат», 1999 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни. «Адолат», 1998 йил 30 апрель.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида» Қонуни, 1998 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ги Қонуни. 1999 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуни, 2003 йил 11 декабрь.
10. «Ўзбекистоннинг Янги Қонунлари». Т.: «Адолат», 1999

### **I I. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг –Кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси президенти И.Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор

йўналишларига бағишланган Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.  
2013 йил 18 январ Т.:”Ўзбекистон” 2013 йил.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Т.: “Ўзбекистон”, 2012. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устивор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.-“Ўқитувчи” НМИУ, 2012.- 282
3. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.Т: Ўзбекистон, 2011.-53 б.
4. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т.: “Ўзбекистон”, 2012. – 36 б.
5. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 56 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамият қурилишида Хотин-қизлар ролини ошириш чоратадбирлари тўғрисида» // Республика Президенти фармонлари 1995-1999 йй.Т. 2000. 354-355-бетлар.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони, 2002 йил 25 январь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони, 2003 йил 24 март.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони, 2004 йил 21 май.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 25 январь
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг иш билан бандлигини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори. 2002 йил 31 январь, 42-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, 2002 йил 19 март.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2004 йил 9 июль.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари.**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 44 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 112 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 33 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. 3-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1996. 269 б.
5. Каримов И.А. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон

- Республикаси Олий Мажлисининг У1 сессиясида сўзланган нутқ. 1996 йил 29 август). Т.: «Ўзбекистон», 1996. 12-бет.
6. Каримов И.А Ислохотлар йўлида қатъиятли бўлиш - бугунги кун талаби. Т.: «Ўзбекистон», 1997. 46 б.
  7. Каримов И.А Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 6-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 1998. 326 б.
  8. Каримов И.А Асосий мақсад - иқтисодий юксалишга эришишдир. 35 б. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 июль). Т.: «Ўзбекистон», 1997.
  9. Каримов И.А Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. (Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1X сессиясида сўзланган нутқ. 1997 йил 29 август). Т.: «Шарқ», 1997. 13 б.
  10. Каримов И. «Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз». Т.: 7-жилд. 415 б.
  11. Каримов И.А Тадбиркорлик-юксалиш гарови. (Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислохотлар якунига бағишланган йиғилишдаги маъруза, 1999 йил 27 июль). 8-жилд. Т.: «Ўзбекистон», 2000. 327 б.
  12. Каримов И.А Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш-энг муҳим вазифамиз. Т.: «Ўзбекистон», 2001. 87 б.
  13. Каримов И.А «Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисидаги маъруза) «Ўзбекистон» НМИУ, 2005. 93 б.
  14. Каримов И.А Ўзбекистон Хотин-қизлари республика конференцияси қатнашчиларига. || Халқ сўзи 2004 йил 14 август.

#### **IV Асосий адабиётлар.**

1. Абдуганиев А.А., Мирзакаримова М. Ўтиш даври иқтисодиётида меҳнат бозори. Т.: «Меҳнат», 1999. 98 б.
2. Абдурахмонов Қ.Х., Назаров А.Ш. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш. Ўқув қўлланмаси. Т.: «Ўқитувчи», 1987.
3. Абдурахмонов Қ.Х., Одегов Ю.Г. Управление трудовым потенциалом в условиях рыночной экономики. Т.: «Меҳнат», 1991.
4. Абдурахмонов Қ.Х., Мамарасулов Ф. Меҳнат иқтисоди (Ўқув-услубий материаллар). Т.: ТДИУ, 1996.
5. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқалар. Персонални бошқариш. Ўқув қўлланма. Т.: «Шарқ», 1998.
6. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Меҳнат бозори. Ўқув қўлланмаси. Т.: ТДИУ, 1999. 122 б.
7. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт) Дарслик. Т.: «Меҳнат», 2004. 670 б.
8. Абулқосимов Х., Ваҳобов А., Раҳимова Д., Нарбаев Б. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш йўллари. Т.: 2001.
9. Абулқосимов Х.П. Проблемы государственного регулирования экономики в современных условиях. Т.: ТДТУ 1994.
10. Абулқосимов Х.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. Т.: ТМИ нашриёти, 2005. 225 б.
11. Андрианов В.Д., Кузнецов А.Н. Специальные экономические зоны в мировой экономике. - М.: Экономический факультет МГУ, ТЕИС, 1998. - 59 с.
12. Аникин А.В. Юность науки. Жизнь и идеи мыслителей – Экономистов до Маркса. – М.: Политиздат, 1978. – 382 с.
13. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИНИОН; Центр научно-исслед. глобальных и региональных проблем. 2000. - 268 с.

- 14.Ахинов Г.А. Экономические основы социальной политики государства в условиях переходной экономики России. М.:Экономический факультет МГУ, ТЕИС,1997.-208с.
- 15.Агабемян Р.Л., Авагян Г.Л. Современные теории занятости: Учеб.пособие для вузов. - М.:ЮНИТА-ДАНА,2001.-190с.
- 16.49.Вороновский Ю.В. Трудовые ресурсы и подготовка кадров в Узбекистане. Т. Ўзбекистон. 1976.
- 17.Волгин Н.А.,Буланов В.С. Рынок труда:Учебник.М.:Изд-во«Экзамен», 2003.35 с.
- 18.Вереникин А.О. Занятость и государство в переходной экономике. - М.:Экономический факультет, ТЕИС, 1998.
- 19.Гафали М., Касаев А. Ривожланишнинг ўзбек модели: тинчлик ва барқарорлик – тараққиёт асоси. Т.: «Ўзбекистон» 2001.
- 20.Грузинов В.П. Экономика предприятия и предпринимательство. М.: Софист,1994. с.234.
- 21.Гильденгерш М.Г. Безработица в России: сухость формы, социальные последствия в условиях перехода к рынку. - САБ Университет экономики и финансов, 1995. с.198.
- 22.Герчикова И.Н. Международные экономические организации: регулирование мирохозяйственных связей и предпринимательской деятельности. Учеб.пособие.-М.:Изд-во «Консалтбанкир», 2002.
- 23.Дьянов А.Я. Методические аспекты исследования рынка труда в условиях перехода к рыночным отношениям. - Уфа, БГУ. - 1997. с208
- 24.Доклад о человеческом развитии Узбекистан 2000.75-бет. Статистик иловалар. 31-жадвал.
- 25.Заславский И.Е. Труд, занятость, безработица. М.:Наука, 1992
- 26.Золин И.Е. Современные взгляды на рынок труда и механизм его функционирования. Ученые записки.-Н.Новгород:ВВАГС, 2001.8с.
- 27.История экономических учений.Учеб. «Изд-во ПРИОР», 2000. 214с.

28. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. М.: Экономика, 1993.-306 с.
29. Кузнецова Л.А., Нестеренко И.Ю., Мельникова А.П. Рынок труда и занятость населения. Учебное пособие. Челябинск, 1994.-144 с.
30. Кураков Л.П. и др. Трудовые ресурсы и занятость населения. Учебное пособие. – М. Пресс-сервис, 1994.-120 с.
31. Лившиц А.Я. Введение в рыночную экономику.-М. Высшая школа.1994.
32. Максакова Л. Миграция населения: проблемы регулирования.Т.: Эльдинур. 2001. -180 с.
33. Максакова Л. Миграция и рынок труда в странах Средней Азии. Т.:Брейд-Стайл. 2002. 136 с.

#### **V Қўшимча адабиётлар**

1. Максакова Л. Демографические проблемы занятости в Узбекистане. Т.: «Ўзбекистон», 1989.-148 с.
2. Михайлушкин А.И. «Международная экономика». Учебник. М.: Высшая школа 2002.244 с.
3. Мэнкью Грегори Н. Принципы макроэкономики. Учебник для вузов.2-изд-е-СПб.: Питер, 2003. 507 с..
4. «Начала политической экономии и налогового обложения» (1817 г.).М.:Изд. «Высшая школа»,1983. 57 с.
5. Рахимова Д.Н. Трудовой потенциал Узбекистана в условиях переходной экономики: проблемы развития и эффективного использования. Т.: ТашГТУ им.А.Беруни, 1998.
6. Рохин С.Ю. Занятость женщин в переходной экономике России. М.; 1996.
7. Убайдуллаева Р.А Трудовые ресурсы и эффективность их использования.Т.: Ўзбекистон.1979.

8. Фридмен Мильтон «Теория функции потребления» (1957г.).М.: Изд-во “Наука” 1998. 433 с.
9. Худойбердиев З.Р. Бандлик (Иқтисодий ва сиёсий талкин). (Илмий рисола) Наманган - 2003.103-бет
- 10.Хыжаев Н, Сатторов Н. Занятость, моделирование и рынок труда. Т.: «Мехнат», 1993.88 б.
- 11.Шишкин А.Р. Экономическая теория. М.: «Владос», 1998.с.201.
- 12.Шарашников Б.М. Рынок и занятость.|Соц.аспект-М.: Луч, 2001-125с.
- 13.Шодмонов Ш., Ғанихўжаева Ф. «Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий такрор ишлаб чиқариш» Т., «Мехнат», 1993.
- 14.Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Мехнат”, 1995.275 б.
- 15.Ғуломов С. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳоли бандлиги. Тошкент, ТошДИУ, 1999. 343 б.
- 16.Эренберг Р.Дж., Смит Р.С. Современная экономика труда. М.: Изд-во МГУ, 1996. с.328.
- 17.Юлдашев М.И. Региональные факторы формирования рынка труда. Санкт-Петербург. 1993.
- 18.Юлдашев М, Хыжаев Н. Безработица, занятость, рынок труда и их моделирования. Т.: 1993. с.143.
- 19.Яхонсон Я. Состояние и результаты Шведской политики на рынке труда трудовых ресурсов. Стокгольм, 1996. с.196

#### **. Илмий мақолалар**

- 20.Ананьев А. Новые процессы в занятости населения в условиях перехода к рыночной экономике-// Ж. Вопросы экономики 1995 №5.
- 21.Аллагулов Р., Аллагулова Н. Рынок труда: основные понятия, концепции, взаимосвязи и показатели.- // Ж.Экономика и управление. 1996.-№5.

22. Анализ состояния и перспективы занятости в рыночных условиях. // Ж. Вопросы статистики. 1997. - №10. Бейсенов С., Мухамбетов Т. Инфраструктура рынка труда. // Ж. Человек и труд. 1998.-№1.
23. Бабич А.М., Егоров Е.Н., Жильцов Е.Н. Экономика социального страхования: Курс лекций. - М.: ТЕИС, 1998.
24. Вороновский Ю.В. «Неформальная занятость и теневая экономика»..Т. 2005. 81 с.
25. Вороновский Ю.В., Похабова О. Обеспечение потребности экономики в специалистах среднего звена. //Ж.Бозор, пул ва кредит.-2004.№1.54-55 с.
26. World Development Report 2001. The Challenge of Development [Published for the World Bank. 2002.P.59-70
27. Дадашев А.З. Занятость населения и безработица в России: проблемы регулирования. -// Ж. Вопросы экономики, 1996. - №1.
28. Заславский И.Е. Узловые проблемы политики на рынке труда. // Ж. Вопросы экономики. 1998. - №2
29. Зоирова Ф. Кашепов А.В. Рынок труда в России регулирование, прогнозы. // Ж. Экономист.1998. - №3.
30. Катульский Е.Д. Основные направления государственной
31. политики на российском рынке труда. - // Ж.Человек и труд.1998.
32. Каштененкова И. “Демографические аспекты формирования трудовых ресурсов”. Мақолалар тыплами.Т.2004. 173-бет
33. Кейнс Д.М.Общая теория занятости.-//Ж. Вопросы экономики.1997. №5.
34. Махсуталиев А. Меҳнат бозорига янгича назарий-таҳлилий қараш. // Ж.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси.-2002.12-сон.62-63 б.
35. Махсуталиев А. Меҳнат бозорида ёшлар ва бандлик масаласи. // Ж.Бозор, пул ва кредит.-2003.-7-сон. 44-45 б.
36. Муртазина Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ёсиши. // Ж. «Бозор, пул ва кредит», 2001, №9.

37. Набиев Э./ Аҳолини иш билан таъминлаш, янги сиёсат.||Халқ сызи, 1998. 3-бет.
38. Остапенко Ю.М.,Турдубеков И.И. “Модернизация концепции занятости населения в современных экономических условиях”.|| Ж.Экономический вестник Узбекистана. 2000г. №5 .72 с.
39. Рахимова Н. Проблемы занятости женщин в условиях формирования рыночных отношений в Узбекистане -Общественное мнение. Права человека. 2003. №4.с.8-11
40. Рашидова С. Права человека и гендерные аспекты. Общественное мнение. Права человека. 2003. №4.
41. Убайдуллаева Р.А. Что отражает рынок труда?||Ж.Жизнь и экономика.Ташкент.-1992.-№9.-с.7-8.
42. Убайдуллаева Р.А. Жёщины Узбекистана и демократизация общества. Права человека. 2003. №4. с.24-27
43. Ubaydullaeva R. La relation ehtre recherchy sociologique et politiques de reforme de l~education en Ouzbekistan. Revenue internationale des sciences sociaux №179, Mars 2004. UNESCO, 2004. (на французском языке).
44. Хакимова М. Роль государства в развитии социального сектора. || Ж. Экономика и статистика, 2000, №4. с. 34-36
45. Қосимова Г.”Кучли ижтимоий сиёсатнинг устувор йыналишлари”, || Ж. “Бозор, пул, кредит” 2004. №3. 55-б.
46. Габзалилова В.Т. Экономические основы регулирования занятости в условиях переходной экономики (на примере республики Узбекистан). Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: АГОС при Президенте РУз 1998.
47. Золин И.Е. Рынок труда и занятость населения в современной экономике. Автореферат дисс.на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Новгород, 2001.

48. Қаюмов А.А. Ўзбекистон меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва ривожланишининг социал-географик асослари. Г.ф.д.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.Т.:1994;
49. Қодиров Б.А. Совершенствование подготовки кадров как фактор повышения эффективности рынка труда в Узбекистане. Диссертация на соис.учен.степ.к.э.н..АГОС.1991.
50. Мирзакаримова М. Рынок труда в экономике переходного периода и совершенствование механизма его функционирования. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Т.: 1998.
51. Интеграция занятости в региональном экономическом объединении. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Бишкек.2001.
52. Толаметова З.А. Бозор иқтисодиётига штиш шароитида меҳнат салоҳиятининг янгилашиши ва ундан самарали фойдаланиш (Ўзбекистон Республикаси мисолдида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. ТошДУ.1998.
53. Тоғаев Б.Э. Ялпи ишчи кучи, унинг таркиби ва бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари.И.ф.н.илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.:ДЖҚА 2004.
54. Худойбердиев З.Р. Занятость трудоспособного населения сельской местности Узбекистана и влияние на нее малого и частного предпринимательство. Автореферат диссерт. На соискание ученой степени кандидата экономических наук. Т.1997

#### **V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.Т.: 2001.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.Т.: 2002.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари.Т.: 2003.
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил статистик ахборотномаси.Т.2004.
5. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. Статистическое обозрение Республики Узбекистан за 2004 год. Т.:2005.
6. Самарали Иқтисодий Сиёсат Маркази «Ўзбекистон иқтисодиёти» Таҳлилий шарҳ №1, №2, №3 январ 2004 - №8 март 2005.
7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.
8. Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар Қўмитаси йиллик ҳисоботлари.(1999-2004 йй.)
9. «Ижтимоий фикр» жамаот фикрини ўрганиш Маркази. Фридрих Эберт номидаги Фонд. «Мустақил Ўзбекистон хотин қизлари» (социологик тадқиқотлар натижалари).
- 10.Меҳнат биржаларининг маълумотлари.
- 11.“Ўзбекистон ёшлари: Таълим–бандлик – карьера”.”Ижтимоий фикр” жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази. “Камолот” нодавлат-нотижорат ташкилоти маълумотлари.
12. Интернет тармоғидаги веб-саҳифалар:  
[www.mintrud.ru](http://www.mintrud.ru)  
[www.labor.ru](http://www.labor.ru)  
[www.vopreco.ru](http://www.vopreco.ru)  
[www.info.gks.ru](http://www.info.gks.ru)  
[www.examen.biz](http://www.examen.biz)